


# Мусулмон қўрғони

Куръон ва Суннатдан дуо ва зикрлар

SA'ID 'ALI WAHF AL-QAHTANI





**Мусулмон  
қўрғони**

Куръон ва Суннатдан дуо ва зикрлар

(ج) جمعية أصول للمحتوى الدعوي ، ١٤٤٦ هـ

القططاني ، الدكتور سعيد بن علي بن وهف

حصن المسلم من أذكار الكتاب والسنّة . باللغة الأوزبكية / الدكتور  
سعيد بن علي بن وهف القططاني - ط ١ . - الرياض ، ١٤٤٦ هـ

ص ١٢٤ × ١٧ سم

رقم الإيداع: ١٧٠٥٣ / ١٤٤٦

ردمك: ٩ - ٠٣ - ٨٥٣٧ - ٦٠٣ - ٩٧٨

Муаллиф: Саид Ал-Қаҳтоний

Таржимон: Абдуллоҳ Мұхаммад

Мусаҳҳиҳ: Неъматуллоҳ Ҳамидов (Абдулқағиз домла)

Мұхаррір: Адҳам Абдулмұғын ўғлы Олим

Саҳифаловчи: Саид Аҳмад

Ушбу нащрни кўриб чиқиб, тасдиқлаган: “Даъват мазмуни асослари” жамиияти



# حَصْرُ الْمُسْلِمِ

## مِنْ أَذْكَارِ الْكِتَابِ وَالسُّنْنَةِ

الفَقِيرُ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى  
وَسَعِدُونَ عَلَيْهِ بَنْ وَهُنَّ لِلْحَطَانِ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

## НОШИР МУҚАДДИМАСИ

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, У адаштирган кимсани эса ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен “Ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир”, деб гувоҳлик бераман. Аммо баъд:

Қўлингиздаги “Мусулмон қўрғони” китобчasi Ислом уммати ичидаги ўзига хос шуҳрат қозонди. Бунинг сабабларидан бири китобчанинг муҳтасарлиги ҳамда сахиҳ санадли зикр ва дуоларни жамлаганидир. Бундан ташқари, ботиний сабаб ҳам борки, у – муаллифнинг ихлосидир. Ихлос билан қилинган амалнинг Ер юзида қабул қилиниши эса Аллоҳнинг суннатларидан.

Бу китобча дунёдаги кўплаб тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам ўғирилди ва ўзбек мусулмонлари ҳам бу таржимадан фойдаланиб, барча ҳолатларида пайғамбарона дуо ва зикрларга амал қила бошладилар.



Халқимизда ушбу китобчадан фойдаланишга истак күчайгани боис, уни қайта нашр қилиш ниятини қалбимизга тутдик. Аллоҳ олдидағи масъулиятни ҳис этганимиз учун илгари ўзбек тилида нашр қилинган “Мусулмон қўргони” китобчасини бошдан-оёқ арабча матнга таққослаб, кўриб чиқдик ва таржимага қисман бўлса-да, ўзгартиришлар киритдик. Чунки баъзи дуо ва зикрларнинг маъноси ҳақида муҳтарам уламоларимиз тарафидан бир неча қавллар айтилган бўлиб, уларнинг ҳаммасини таржимада бирдек қўллаш маънонинг чўзилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун маънолар ичидан ўша зикрнинг ворид бўлиш ўрнига муносибларинигина танлаб олдик. Бир зикр ёки дуо икки ёхуд ундан кўп жойда фарқли таржима қилинганини қўрган ўкувчи буни “таржимоннинг иккиланиши”, деб ўйлаб қолиши мумкин. Аслида эса сўзларнинг синонимлари ишлатилган, холос.

Қилаётган бу ишимизда қусур бўлиши табиий. Шу боис, таржимада учраган камчиликларни бизга етказган биродарларимизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз ва келгуси нашрларда хатоларни тузатиб боришга ҳаракат қиласиз.

Дикқат! Ушбу китобчани қайта нашр қилмоқчи

бўлган ҳимматли биродарларимиздан нашр учун  
биздан ижозат олишларини талаб қиласиз. Фикр  
ва мулоҳазаларингизни **islomnuri@gmail.com**  
манзилига йўллашингиз мумкин.

Сўзимиз сўнгидага Аллоҳга ҳамду санолар,  
Пайғамбаримизга саловат ва саломлар айтамиз.

**Хижрий 1433 йил, 9 Рабиул-аввал**

**Милодий 2012 йил, 1 феврал**



## МУҚАДДИМА

Барча ҳамд Аллоҳни кидир! Биз У зотга ҳамдлар айтамиз, Үндан мадад тилаймиз, мағфират сўраймиз! Нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ беришини илтижо қиласиз. Зоро, Аллоҳ ҳидоятга бошлаган инсонни ҳеч ким йўлдан адаштира олмас ва У адаштирган кимсани энди ҳеч ким ҳидоятга етаклай олмас. Аллоҳдан ўзга (ҳак) илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. У ёлғиз ва шериксиз Зотdir. Яна гувоҳлик бераманки, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ва расулидир. У зотга, аҳли оиласари га, асҳоблари га ва уларга гўзал суратда қиёматга қадар эргашган барча мўминларга Аллоҳнинг кўпдан-кўп саловати ва саломи бўлсин.

Аммо баъд. Мен бу муҳтасар китобчани ўзимнинг “Зикр, дуо ва китобу суннатдан дам солиб-ўқиб даволаш” номли китобимдан қисқартириб олдим. Енгил бўлиши учун ундан фақат “Зикрлар” бобини муҳтасар этдим.

Китобчада зикр матни билан чекландим. Аслда келган бир ёки икки манбани айтиш билан кифояландим. Зикрни ривоят қилган саҳобани билмоқчи ёки қўшимча маълумот олмоқчи



бўлганлар китобнинг аслига мурожаат қилсинлар.  
 Мен Аллоҳ таолодан гўзал исмлари ва олий  
 сифатлари билан сўрайманки, бу амалимни  
 Ўзининг юзи учун холис бўлишини насиб этсин,  
 ҳаётимда ҳам, вафот этганимдан сўнг ҳам шу  
 сабабли менга фойдалар берсин. Уни ўқиган,  
 чоп этган ёки нашр этилишига сабаб бўлган  
 кишилар учун ҳам хайрли-фойдали қилсин!  
 Албатта Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар нарсага  
 Қодирдир. Набийимиз Мұхаммад соллаллоҳу  
 алайҳи ва салламга, у кишининг оила аъзоларига,  
 асҳобларига ва то қиёматга қадар уларга гўзал  
 суратда эргашганларга Аллоҳнинг раҳмати ва  
 саломи бўлсин.

**Муаллиф (Хижрий 1409 йил, Сафар ойи)**



## ЗИКР (АЛЛОХНИ ТИЛДА ВА ДИЛДА ЁД ЭТИШ) ФАЗИЛАТИ

Аллох субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿فَاذْكُرُوهُ أَذْكُرْكُمْ وَأَشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونَ﴾

“Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени(нг неъматларимни) инкор қилмангиз!” [“Бақара”, 152]

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اذْكُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا﴾

“Эй мүминлар Аллохни күп зикр қилинглар!”  
[“Ахзоб”, 41]

﴿وَالَّذِينَ كَثِيرًا وَالَّذِينَ كَرِتَ أَعْدَ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً  
وَأَجْرًا عَظِيمًا﴾

“Аллохни күп зикр қилувчи эркаклар ва (Аллохни күп зикр қилувчи) аёллар – улар учун Аллох мағфират ва улуғ мукофот (яғни, Жаннатни) тайёрлаб қўйгандир”. [“Ахзоб”, 35]

﴿وَإِذْكُرْ رَبَّكَ فِي نَفْسِكَ تَضَرُّعًا وَخِفَةً وَدُونَ الْجَهَرِ مِنَ الْقَوْلِ  
بِالْغُدُوِّ وَالْأَصَالِ وَلَا تَكُنْ مِنَ الْغَنَّافِلِينَ﴾

“Роббингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!” [“Аъроф”, 205]

وَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «مَثْلُ الدِّيْنِ يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لَا يَذْكُرُ رَبَّهُ: مَثْلُ  
الْحَيٍّ وَالْمَيِّتِ».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳакда айтадилар: “Роббини зикр қиласидиган киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг фарқи тирик билан ўликнинг фарқи (кабидир)”.<sup>(1)</sup>

وَقَالَ ﷺ: «أَلَا أَنْبَئُكُمْ بِخَيْرٍ أَعْمَالِكُمْ، وَأَزْكَاهَا عِنْدَ مَلِيكِكُمْ،  
وَأَرْفَعُهَا فِي دَرَجَاتِكُمْ، وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ إِنْفَاقِ الظَّهَبِ وَالْوَرِقِ،  
وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ أَنْ تَلْقَوْا عَدُوَّكُمْ، فَتَضْرِبُوا أَعْنَاقَهُمْ، وَيَضْرِبُوا  
أَعْنَاقَكُمْ؟!»، قَالُوا: بَلَى، قَالَ: «ذِكْرُ اللَّهِ تَعَالَى».

“Сизларга амалларингиз ичida энг яхшисини, Маликларингиз хузурида энг покизасини, даражаларингизни кўтарувчисини, олтину кумуш эҳсон қилишдан ҳам яхшироғини ва душманларингизга рўпара бўлиб, сизлар уларни улар сизларни бўйинларингизга (қилич) уришларидан ҳам хайрлироғини хабарини берайми?” – дедилар Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. “Ҳа”, дейишди (асҳоблари). Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Бу Аллоҳ таолонинг зикридир!”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий.

2 Термизий ва Ибн Можа.

وَقَالَ ﷺ: «يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي، وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذَكَرْتِي؛ فَإِنْ ذَكَرْتِي فِي نَفْسِهِ ذَكْرُتُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرْتِي فِي مَلَأٍ ذَكْرُتُهُ فِي مَلَأٍ خَيْرٍ مِنْهُمْ، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ شِبْرًا تَقَرَّبَتْ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقَرَّبَتْ إِلَيْهِ بَاعًا، وَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرَوْلَةً». <sup>12</sup>

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Аллоҳ таоло айтади: “Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги ўйидаман. Агар у Мени зикр қиласа, Мен у билан биргаман. Агар у Мени ичида зикр қиласа, Мен ҳам уни ичимда зикр қиласаман. Агар у Мени жамоа-кишилар (ораси)да зикр қиласа, Мен уни улардан яхшироқ халқ-жамоа(ораси)да зикр қиласаман. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ (72–50 см) яқинлашаман. Агар у Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Мен(томон)га юриб келадиган бўлса, Мен унга (томон) югураман”.<sup>(1)</sup>

وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُشَيرٍ رضي الله عنه; أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ شَرَائِعَ الْإِسْلَامِ قَدْ كَثُرْتُ عَلَيْهِ؛ فَأَخْبِرْنِي بِشَيْءٍ أَتَشَبَّهُ بِهِ، قَالَ: «لَا يَزَالُ لِسَانُكَ رَطْبًا مِنْ ذِكْرِ اللَّهِ».

1 Бухорий ва Муслим.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анхунинг ҳадиси:  
 “Бир киши: “Эй Аллоҳнинг Расули, Ислом(нинг нафл) амаллари менга қўпайиб кетди. Сиз менга (ўзи енгил, савоби кўп) бир нарсани ўргатинг, мен унга қаттиқ амал қиласай”, деди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Тилинг<sup>(1)</sup>. “хеч қачон Аллоҳнинг зикридан тўхтамасин

13

وَقَالَ ﷺ: «مَنْ قَرَأَ حِرْفًا مِنْ كِتَابِ اللَّهِ، فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ، وَالْحَسَنَةُ  
 بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا؛ لَا أَقُولُ: 《الْمَ》 حِرْفٌ، وَلَكِنْ: أَلْفٌ حِرْفٌ،  
 وَلَامٌ حِرْفٌ، وَمِيمٌ حِرْفٌ».

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: ‘Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир ҳасана (ёзилади). Мен “Алиф, Лам, Мим” бир ҳарф, деб айтмайман. Лэкин “Алиф” бир ҳарф, “Лам” бир ҳарф, “Мим” бир ҳарфдир’.<sup>(2)</sup>

وَعَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ ﷺ، قَالَ: حَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَخَنَّ في الصُّفَّةِ، فَقَالَ: «أَيُّكُمْ يُحِبُّ أَنْ يَغْدُوَ كُلَّ يَوْمٍ إِلَى بُطْحَانَ، أَوْ إِلَى الْعَقِيقِ، فَيَأْتِيَ مِنْهُ بِنَاقَتِينِ كَوْمَاوِينِ في غَيْرِ إِثْمٍ وَلَا قَطِيعَةٍ

1 Термизий ва Ибн Можа.

2 Термизий.

رَحِيمٌ؟!»، فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، تُحِبُّ ذَلِكَ، قَالَ: «أَفَلَا يَغْدُو  
أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَسْجِدِ؛ فَيَعْلَمُ -أَوْ يَقْرَأُ- آيَتَيْنِ مِنْ كِتَابِ اللَّهِ  
خَيْرٌ لَهُ مِنْ نَافَتَيْنِ، وَثَلَاثٌ خَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلَاثٍ، وَأَرْبَعٌ خَيْرٌ لَهُ  
مِنْ أَرْبَعٍ، وَمِنْ أَعْدَادِهِنَّ مِنَ الْإِيلِ؟!».

Уқба ибн Омир розияллоху анхудан: “Биз суфпада эканимизда Росууллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам чиқдилар. “Сизларнинг қайси бирингиз ҳар куни Бутқон ёки Ақиққа бориб, ҳеч қандай гуноҳсиз, қариндош-уруг ўртасини узмасдан ўркачлари катта-катта бўлган икки тuya олиб келишни хоҳлайди?” – дедилар. Биз: “Эй Росууллоҳ! Буни ҳаммамиз хоҳлаймиз”, деб жавоб бердик. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: “Сизлардан бирингиз масжидга эрталаб бориб, Аллоҳнинг китобидан икки оят ўрганмайдими ёки ўқимайдими? (Бу) унга икки тудан яхшироқ, учта (оят унга) уч тудан, тўрттаси тўртта тудан яхшироқдир. Оятлар сонига қараб тудар адади бўлади”.<sup>(1)</sup>

وَقَالَ ﷺ: «مَنْ قَعَدَ مَقْعِدًا لَمْ يَذْكُرِ اللَّهَ فِيهِ كَانَتْ عَلَيْهِ مِنَ  
اللَّهِ تِرَةٌ، وَمَنْ اضْطَجَعَ مَضْجَعًا لَمْ يَذْكُرِ اللَّهَ فِيهِ كَانَتْ عَلَيْهِ

1 Муслим.

مِنَ اللَّهِ تِرَةٌ۝ .

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Ким бир жойга ўтириб, у ерда Аллоҳни зикр қилмаса, унга Аллоҳ таолодан бир тира – қасос бўлади. Бир ўринга ётиб, унда Аллоҳни зикр қилмаса, унга (ҳам) Аллоҳ (томуни)дан бир тира – қасос бўлади”.<sup>(1)</sup>

وَقَالَ ﷺ: «مَا جَلَسَ قَوْمٌ حَجْلِسًا لَمْ يَذْكُرُوا اللَّهَ فِيهِ، وَلَمْ يُصْلُوْا عَلَى نِيَّمٍ: إِلَّا كَانَ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ؛ فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ، وَإِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ». ﴿١٥﴾

“Қайси бир қавм бирон даврада ўтириб, у ерда Аллоҳни зикр қилмасалар ва пайғамбарларига саловат айтмасалар, уларга тира – қасос бўлади. (Аллоҳ) агар хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа мағфират қиласди”, дедилар Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам.<sup>(2)</sup>

وَقَالَ ﷺ: «مَا مِنْ قَوْمٍ يَقُومُونَ مِنْ حَجْلِسٍ لَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ فِيهِ إِلَّا قَامُوا عَنْ مِثْلِ حِيفَةِ حِمَارٍ، وَكَانَ لَهُمْ حَسْرَةً﴾.

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

1 Абу Довуд.

2 Термизий.

айтдилар: “Аллоҳни зикр қилмасдан ўринларидан қўзғалган қавм эшак ўлимтиги каби нарса устидан турган (яъни, унинг гўшидиан тановул қилиб тургандек) бўладилар ва (бу) уларга ҳасрат бўлади”.<sup>(1)</sup>



16

1 Абу Довуд ва Аҳмад.

## ☪️ УЙҚУДАН ТУРГАНДА АЙТИЛАДИГАН ЗИКРЛАР

**(1) ﴿الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَمَا أَمَاتَنَا، وَإِلَيْهِ النُّشُورُ﴾.**

“Алҳамду лиллааҳилзай аҳианаа баъда маа амаатанаа ва илайхин-нушуур”.

“Бизга ўлдиргандан сўнг (яна) ҳаёт берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш унгадир!”<sup>(1)</sup>

**(2) ﴿لَا إِلَهَ إِلَّا اللّٰهُ، وَحْدَةٌ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلٰى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، سُبْحَانَ اللّٰهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللّٰهُ، وَاللّٰهُ أَكْبَرُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةٌ إِلَّا بِاللّٰهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، رَبُّ اغْفَرْرِي﴾.**

“Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдахуу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва хува ъалаа кулли шай'ин қодийр. Субҳааналлоҳи вал-ҳамду лиллааҳи ва лаа илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар. Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳи-ъалиййил-ъазийм. Роббигфир лий”.

“Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз(Зот)дир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага қодир. Аллоҳ покдир. Ҳамд Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ

<sup>1</sup> Бухорий ва Муслим.

йўқ. Аллоҳ буюокроқдир. Ҳаракат ҳам, қудрат ҳам ёлғиз, Олий ва Улуғ Аллоҳ(нинг мадади) биландир. Эй Роббим, мени мағфират қил”.

Ким шундай деса, мағфират қилинади. Дуо қиласа, ижобат бўлади. Агар туриб таҳорат олиб намоз ўқиса, намози қабул бўлади.<sup>(1)</sup>

3-3 ﴿الْحَمْدُ لِلّهِ الَّذِي عَافَنِي فِي جَسَدِي، وَرَدَ عَلَيَ رُوحِي، وَأَذِنَ لِي بِذِكْرِهِ﴾.

“Алҳамду лиллааҳиллазий ъаафааний фий жасадий ва родда ъалайя руухий ва азина лий би-зикрих”.<sup>(2)</sup>

“Менинг жиссимиға соғлик ато этган, менга руҳимни қайтарган ва Ўз зикрига изн берган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.<sup>(3)</sup>

4-4 ﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَآخْتِلَافِ أَيْتَلِ وَأَنْهَارِ لَذِينَ لَا يُؤْلِي أَلَّا لَبِبٍ ۚ ۱۹۰ أَذِنَنَا يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيمَةً وَقُعُودًا وَعَلَى جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا حَفَّتَ هَذَا بَطِلًا سُبْحَنَنَا فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ۚ ۱۹۱ رَبَّنَا إِنَّكَ مَنْ تُدْخِلُ النَّارَ فَقَدْ أَخْزَيْتَهُ ۖ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ۚ ۱۹۲ رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا

1 Бухорий ва Ибн Можа

2 Термизий.

3 Термизий

مُنَادِيَا يَنْادِي لِلْإِيمَنِ أَنَّهُ أَمْنُوا بِرَبِّكُمْ فَعَامَنَا رَبَّنَا فَاغْفِرْ لَنَا  
ذُنُوبَنَا وَكَفِرْ عَنَا سَيِّعَاتِنَا وَتَوَقَّنَا مَعَ الْأَبْرَارِ ۝ ۱۹۲ رَبَّنَا وَإِنَّا  
مَا وَعَدْنَا عَلَى رُسُلِكَ وَلَا تَخْزِنَا يَوْمَ الْقِيَمَةَ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمُعْدَادَ ۝ ۱۹۳  
فَاسْتَجَابَ لَهُمْ رَبُّهُمْ أَنِّي لَا أُضِيعُ عَمَلَ عِمَلٍ مِنْكُمْ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَى  
بَعْضُكُمْ مِنْ بَعْضٍ قَالَ الَّذِينَ هَا جَرُوا وَأَخْرَجُوا مِنْ دِيَرِهِمْ وَأَوْدُوا  
فِي سَيِّلٍ وَقَتَلُوا وَقُتِلُوا لَا كُفَّرَنَ عَنْهُمْ سَيِّعَاتِهِمْ وَلَا دُخْنَاهُمْ  
جَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ تَوَابًا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَاللَّهُ عِنْدَهُ  
حُسْنُ الْتَّوَابِ ۝ ۱۹۴ لَا يَعْرِنَكَ تَقْلُبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْأَيْلَدِ  
مَتَّعْ قَلِيلٌ ثُمَّ مَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَهَادُ ۝ ۱۹۵ لَكِنَّ الَّذِينَ آتَقُوا  
رَبِّهِمْ لَهُمْ جَنَّتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ خَلِيلِينَ فِيهَا نُزُلًا مِنْ  
عِنْدِ اللَّهِ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ لِلْأَنْتَرَارِ ۝ ۱۹۶ وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ  
لَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ إِلَيْهِمْ خَشِيعَنَ لِلَّهِ لَا  
يَشَرُونَ بِعَايَدَتِ اللَّهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَئِكَ لَهُمْ أَجْرُهُمْ عِنْدَ  
رَبِّهِمْ إِنَّمَا اللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ ۝ ۱۹۷ يَنَائِيْهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا  
أَصْبِرُوْهُمْ وَاصْبِرُوا وَرَأَيْطُوا وَأَتَّقُوا اللَّهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ۝ .

Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмасиб туришида ақл эгалари учун (бир яратувчи ва бошқариб тургувчи Зот мавжуд эканлигига) оят-аломатлар борлиги шубҳасиздир.



Улар турғанда ҳам, ўтирганда ҳам, ётғанда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): “Эй Роббимиз, бу (борлық)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан. Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асра. Эй Роббимиз, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ уни расво қилурсан ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. Эй Роббимиз, албатта биз “Роббингизга иймон келтириңгиз!”, – деб иймонга чорлаган жарчи (Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) нидоларини эшилдигу, иймон келтирдик. Эй Роббимиз, Бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни (саҳифа амалимиздан) ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! Эй Роббимиз, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда қилган нарсаларингни ато қил ва бизларни Қиёмат кунида расво қилмагил! Албатта, Сен ваъдангга хилоф қилмагайсан”. Бас, Роббилари уларнинг дуоларини ижобат қилиб, (деди:) “Албатта, Мен сизлардан бирон амал қилувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмайман. Зеро, бирингиз бошқангиздандирсиз. (Яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган). Бас, ватанларидан ҳижрат қилган, диёрларидан

қувилган, Менинг йўлимда азиятлар чеккан ва (Менинг йўлимда) жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни Аллоҳ ҳузуридан савоб-мукофот қилиб, тагларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритурман. Ва энг гўзал савоб-мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир”. Сизни кофириларнинг шаҳарларда кезишлари алдаб қўймасин. (Бу елиб югуриш, ғолибона кезишлар) озгина матодир. Сўнgra жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у! Аммо Роббиларидан қўрқсан зотлар учун Аллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш – тагларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бордирки, улар бу боғларда абадий қолажаклар. Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса (яъни, савоб-ажр кофириларнинг муваққат кайф-сафоларидан) афзалроқдир. Албатта, аҳли китоб ичидаги Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган ва ўзларига нозил қилинган нарсаларга иймон келтирувчи, Аллоҳга итоат қилиб бош эгувчи, Аллоҳнинг оятларини озгина қийматга сотиб юбормайдиган зотлар ҳам бор эканлиги аниқ равшандир. Ана ўшалар учун Роббилари ҳузуридан ажру савоб бордир. Албатта, Аллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилувчи Зотдир. Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабрутокат қилишда (кофирилардан) устун бўлингиз

хамда доимо (кураш-жиход учун белингиз боғлиқ ҳолда) ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизки, (шунда) шояд нажот топгайсизлар.<sup>(1)</sup>



## КИЙИМ КИЙИЛАЁТГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО



5- «الْحَمْدُ لِلّهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا (الثَّوْب)، وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ  
حَوْلِ مِنِّي وَلَا قُوَّةٌ...».

“Алҳамду лиллааҳиллазий касааний ҳаазаа ва розақонийхи мин ғойри ҳавлин минний ва лаа кувваҳ”.

“Мана шу (либос)ни кийгизган ва уни менга ўз тарафимдан ҳеч бир куч-қувватсиз насиб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин”.<sup>(2)</sup>



## ЯНГИ КИЙИМ КИЙГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

6- «اللّٰهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ كَسُوتَنِيهِ، أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِهِ وَخَيْرِ مَا  
صُنِعَ لَهُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ».

1 “Оли Имрон”, 190-200.

2 Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа.

“Аллооҳумма, лакал-ҳамду анта ка-савтанийх. Ас’алука мин хойриҳии ва хойри мaa суниъа лах. Ва аъуузу бика мин шарриҳии ва шарри мaa суниъа лах”.

**“Эй Аллоҳ!** Сенга ҳамд бўлсин! Сен буни менга кийгиздинг. Мен Сендан унинг ва у унинг учун яратилган нарсанинг яхшилигини (яъни, уни тоат-ибодатларда ишлатишни) сўрайман. Унинг ва у унинг учун яратилган нарсанинг ёмонлигидан (яъни, уни гуноҳ-маъсиятларда ишлатишдан) паноҳ тилайман.<sup>(1)</sup>



## 4 ЯНГИ КИЙИМ КИЙГАН КИШИГА АЙТИЛАДИГАН ДУО

(1) 7 ﴿تُبْلِي وَيُخْلِفُ اللَّهُ تَعَالَى﴾.

“Тублий ва юхлифуллоҳу таъалаа”.

“Эскиртириб-тўзитинг, Аллоҳ таоло ўрнига берсин”.<sup>(2)</sup>

(2) ﴿الْبَسْ جَدِيدًا، وَاعْشْ حَيِيدًا، وَمُتْ شَهِيدًا﴾.

“Илбас жадийдан ва ъиш ҳамийдан ва мут шаҳийдаа”.

1 Абу Довуд.

2 Абу Довуд.

“Янги кийинг, ҳамд айтиб яшанг ва шаҳид бўлиб вафот этинг!”<sup>(1)</sup>



## КИЙИМИНИ ЕЧГАНДА НИМА ДЕЙДИ?

9- «بِاسْمِ اللَّهِ».



“Бисмиллах”.

(Аллоҳ номи билан).<sup>(2)</sup>



## ХОЖАТХОНАГА КИРАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

10- «[بِاسْمِ اللَّهِ، الَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبُثِ وَالْخَبَائِثِ».

“Бисмиллах. Аллооҳумма, инний аъу-узу бика минал-хубси вал-хобааис”.

“[Бисмиллах.] Эй Аллоҳ! Мен Сендан эркак ва ургочи жинлардан паноҳ беришиングни сўрайман”.<sup>(3)</sup>

1 Ибн Можа ва Бағавий.

2 Термизий.

3 Бухорий ва Муслим.

7 **Хожатхонадан чиқаётганда  
ўқиладиган дуо**

۱۱ - «غُفرَانَكَ».

“Фуфроонак”.

“Мағфират этишингни сўрайман”.<sup>(1)</sup>

25

8 **ТАҲОРАТ ОЛИШДАН ОЛДИН  
АЙТИЛАДИГАН ЗИКР**

۱۲ - «بِاسْمِ اللَّهِ».

“Бисмиллах”.

“Бисмиллаҳ (Аллоҳ номи билан таҳорат оламан)”.<sup>(2)</sup>

9 **ТАҲОРАТДАН СЎНГ  
АЙТИЛАДИГАН ЗИКР**

۱۳-۱) (أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ  
مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ...).

“Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳ, ваҳдахуу лаа

1 Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа.

2 Абу Довуд, Ибн Можа ва Ахмад.

шарийка лаҳуу ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдухуу ва росуулуху”.

“Гувоҳлик бераманки, ёлғиз Аллоҳдан ўзга (ҳақ) маъбуд йўқ. Унинг шериги йўқ. Гувоҳлик бераманки, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва Расулидир”.<sup>(1)</sup>

14-(2) «اللَّهُمَّ اجْعَلِنِي مِنَ التَّوَّبِينَ، وَاجْعَلِنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ».

“Аллоохуммажъални мина тавваабийна важъални минал-мутатоҳхрийн”

“Эй Аллоҳ! Мени тавба қилувчилардан ва таҳоратли-покиза кишилардан қил”.<sup>(2)</sup>

15-(3) «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، أَشْهُدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ،

أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ».

“Субҳаанак Аллоохумма ва биҳамдика ашҳаду аллаа илааҳа илла анта, астагфирука ва атуубу илайк”.

“Эй Аллоҳ! Сен поксан ва Сенинг ҳамдинг билан (тасбех айтаман). Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқ. Сендан истигфор сўрайман ва Сенга тавба қиласман”.<sup>(3)</sup>

1 Муслим.

2 Термизий.

3 Насойи.



## МАНЗИЛ-УЙДАН ЧИҚИШДА ҮҚИЛАДИГАН ЗИКР

**(1) (بِاسْمِ اللَّهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ).**

“Бисмиллах, таваккалту ъалаллох, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”.

“Бисмиллах. Аллоҳга таваккал қилдим. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва қувват ёлғиз Аллоҳдандир”.<sup>(1)</sup>

**(2) (اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ أَوْ أُضْلَلَ، أَوْ أَزِلَّ أَوْ أُزَلَّ، أَوْ أَظِلَّمَ أَوْ أُظْلَمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ).**

“Аллооҳумма, инний аъуузу бика ан адилла ав удолл, ав азилла ав узалл, ав азлима ав узлам, ав ажҳала ав южҳала ъалайй”.

“Эй Аллох, мен Сендан адашиш ёки адаштирилишдан, тойиш ёки тойдирилишдан, зулм қилиш ёки зулмга учрашдан, (бировга) жоҳиллик қилиш ёки менга жоҳиллик қилинишидан паноҳ беришиңгни сўрайман”.<sup>(2)</sup>

1 Абу Довуд ва Термизий.

2 Абу Довуд, Насойй, Термизий ва Ибн Можа.



## МАНЗИЛ-УЙГА КИРИШДА АЙТИЛАДИГАН ЗИКР

18- «بِاسْمِ اللَّهِ وَجْنَـا، وَبِاسْمِ اللَّهِ خَرْجَـا، وَعَلَى اللَّهِ رَبِّنَا تَوَكَّلْـا،  
ثُمَّ لِيُسْلِمْ عَلَى أَهْلِهِ»

“Бисмиллахи валажнаа ва бисмиллахи хорожнаа  
ва ъалаа Роббинаа таваккалнаа”.

“Аллоҳ номи билан кирдик, Аллоҳ номи билан  
чиқдик ва Роббимизга тавакkal этдик”. Сүнгра  
аҳлига салом берсин.<sup>(1)</sup>

Агар киши уйига киришида ва таом пайтида  
Аллоҳни зикр қылса, Шайтон (болаларига)  
айтади: “Сизлар учун (бу ерда) тунаш ҳам, кечки  
таом ҳам йүқ”.<sup>(2)</sup>



## МАСЖИДГА БОРИШДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

19- اللَّهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُورًا، وَفِي لِسَانِي نُورًا، وَفِي سَمْعِي نُورًا،  
وَفِي بَصَرِي نُورًا، وَمِنْ فَوْقِ نُورًا، وَمِنْ تَحْتِي نُورًا، وَعَنْ يَمِينِي  
نُورًا، وَعَنْ شَمَائِي نُورًا، وَمِنْ أَمَامِي نُورًا، وَمِنْ حَلْفِي نُورًا، وَاجْعَلْ

1 Абу Довуд.

2 Муслим.

فِي نَفْسِي نُورًا، وَأَعْظَمْ لِي نُورًا، وَعَظَّمْ لِي نُورًا، وَاجْعَلْ لِي نُورًا،  
وَاجْعَلْنِي نُورًا، اللَّهُمَّ أَعْطِنِي نُورًا، وَاجْعَلْ فِي عَصَبِي نُورًا، وَفِي  
لَحْمِي نُورًا، وَفِي ذَمِي نُورًا، وَفِي شَعْرِي نُورًا، وَفِي بَشَرِي نُورًا»

“Аллоохұммажъал фий қолбий нуурон ва фий лисааний нуурон ва самъий нуурон ва фий басорий нуурон ва мин фавқий нуурон ва мин таҳтий нуурон ва ъан ямийний нуурон ва ъан шимаалий нуурон ва мин амаамий нуурон ва мин холфий нууро. Важъал фий нафсий нуурон ва аъзим лий нуурон ва ъаззим лий нууро. Важъал лий нуурон важъалний нууро. Аллоохұмма, аътиний нуурон важъал фий ъасобий нуурон ва фий лаҳмий нуурон ва фий дамий нуурон ва фий шаърий нуурон ва фий башарий нууро”.

“**Эй Аллох!** Менинг қалбимда, тилимда, әшитишим-кулоғимда, күзимда, устимдан, остидан, ўнгимдан, чапимдан, олдимдан ва ортимдан нур қил. Қалбимда нур қил. Менда нурни күп қил. Уни менда яна ҳам мүл-күл эт. Менга нур қил, мени нур қил. Эй Аллох, менга нур ато эт. Менинг пайларимда, гүштларимда, қонимда, сочим(мүйим)да ва теримда нур қил”.<sup>(1)</sup>

1 Бухорий ва Муслим.

«اللَّهُمَّ اجْعِلْ لِي نُورًا فِي قَبْرِي... وَنُورًا فِي عَظَامِي»

“Аллоохуммажъал лий нуурон фий қобрий ва нуурон фий ъизоомий”.

“Эй Аллох, менинг қабримда ва сұякларимда нур қил”.<sup>(1)</sup>

«وَزِدْنِي نُورًا، وَزِدْنِي نُورًا، وَزِدْنِي نُورًا»

“Ва зидний нуурон ва зидний нуурон ва зидний нууро”.

“Менда нурни зиёда эт. Менда нурни зиёда эт. Менда нурни зиёда эт”.<sup>(2)</sup>

«وَهَبْ لِي نُورًا عَلَى نُورٍ».

“Ва ҳаб лий нуурон ъалаа нуур”.

“Менга нур устига яна нур бер”.<sup>(3)</sup>

13 **МАСЖИДГА КИРИШДА  
ҮҚИЛАДИГАН ДУО**

20- **أَعُوذُ بِاللَّهِ الْعَظِيمِ، وَبِوْجِهِ الْكَرِيمِ، وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ، مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ** [بِاسْمِ اللَّهِ، وَالصَّلَاةُ] [وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ].

1 Термизий.

2 Бухорий.

3 Ибн Ҳажар.

“Аъуузу биллаҳил-ъазийм, ва би-важхихил-карийм, ва султоониҳил-қодийми минаш-шайтоонир-рожийм. (Бисмиллаҳи вас-солаату) вас-салааму ъалаа росуулиллаах”.

“Улуг Аллоҳдан Унинг карим юзи ва қадим салтанати билан тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ тилайман. [Бисмиллаҳ, саловат] ва салом Росууллоҳга бўлсин”. <sup>(1)</sup>

«اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ».

31

“Аллоохуммаftaҳ лий абвааба роҳматик”.

“Эй Аллоҳ! Менга раҳматинг эшикларини оч”. <sup>(2)</sup>



## МАСЖИДДАН ЧИҚИШДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

21- «بِاسْمِ اللَّهِ، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ، اللَّهُمَّ إِنِّي  
أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ، اللَّهُمَّ اغْصُمْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ».

“Бисмиллаҳи вас-солаату вас-салааму ъалаа Росуулиллаҳ. Аллоохумма, инний ас’алука мин фазлик. Аллоохуммаъсимний минаш-шайтоонир-рожийм”.

1 Абу Довуд, қавс ичидаги лафз Ибн Сунний зиёдаси.

2 Муслим.

“Бисмиллах. Ресуллуха саловату саломлар бўлсин!  
**Эй Аллоҳ!** Мен Сенинг фазлу марҳаматингдан  
сўрайман! **Эй Аллоҳ!** мени тошбўрон қилинган  
шайтондан маъсум эт-сақла!”<sup>(1)</sup>



## АЗОН ЗИКРЛАРИ



22-(1) “Аzon айтилаётган вақтда азонни эшиتاётган  
киши муazzин айтган сўзларни ортидан қайтариб  
айтади. Фақатгина “Ҳайя ъалас-солаах” ва “Ҳайя  
ъалал фалаах” деган ўринда

«لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ».

“Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах”, дейди.

“Ҳайя алас-солат” ва “Ҳайя алал-фалах”дан  
бошқаларида муazzиннинг сўзи қайтарилади.  
“Ҳайя алас-солат” ва “Ҳайя алал-фалах”  
дейилганда (азон эшитувчи) “Ла ҳавла ва ла  
қуввата илла биллаах”, деб айтади.<sup>(2)</sup>

«وَأَنَا أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ  
وَرَسُولُهُ، رَضِيَتِ بِاللَّهِ رَبِّيَا، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا، وَبِالإِسْلَامِ دِينًا».

23-(2) “Ва ана ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳу

1 Ибн Можа.

2 Бухорий ва Муслим.

ваҳдахуу лаа шарийка лаҳ, ва анна Мұхаммадан ъабдухуу ва росуулух. Розийту биллаҳи роббан ва би Мұхаммадин росуулан ва бил-ислаами дийнаа”.

“Мен ҳам Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлигига, Унинг ёлғиз, шериксиз эканига ва Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ҳамда Расули эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳ Роббим, Мұхаммад пайғамбарим ва Ислом диним эканлигига рози бўлдим”<sup>(1)</sup>

Буларни муazzин икки шаҳодатни – “Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳ” ва “Ашҳаду анна Мұхаммадар росуулуллооҳ”ни – айтганидан сўнг айтади. <sup>(2)</sup>

**24-(3)** Муаззинга жавоб бергач, (яъни, унинг айтганларини тақорорлаб бўлгач), Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга саловат (соллаллоҳу алайҳи ва саллам деб) айтади. <sup>(3)</sup>

**25-(4)** «اللَّهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ، وَالصَّلَاةِ الْقَائِمَةِ، آتِيْ مُحَمَّدًا الْوَسِيلَةَ وَالْفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَامًا مَحْمُودًا الَّذِي وَعَدْتَهُ؛ إِنَّكَ لَا تُخْلِفُ الْمِيعَادَ».

“Аллоҳумма, Робба ҳаазиҳид-даъватит тааммах, вас-

1 Муслим.

2 Ибн Хузайма.

3 Муслим.

солаатил қооимаҳ, аати Мұхаммаданил-васийлата вал-фадийлаҳ, ва-бъасху мақоомам маҳмууданил-лазий ваъадтаҳ, (иннака лаа тухлифул-мийъаад)».

Кейин дуо қилиб айтади: “Ушбу комил даъват-чакириқнинг, ҳозир бўлган (вақти етган) намознинг Робби бўлган **эй Аллоҳ!** Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга васила (Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга эришишга умид қилган Жаннатдаги манзилат) ва фазилат ато эт. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомга чиқар”<sup>(1)</sup>

**26-(5)** Аzon билан иқомат оралиғидаги вақтда ўзининг ҳаққига дуо қилади. Бу вақтда (қилинган) дуо қайтариlmайди (мақбулдир).<sup>(2)</sup>

## 16 ИСТИФТОҲ (НАМОЗГА КИРИШ) ДУОСИ

«اللَّهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ  
وَالْمَغْرِبِ، اللَّهُمَّ نَفَّني مِنْ خَطَايَايَ كَمَا يُنَفَّى الشَّوْبُ إِلَيْهِ  
الَّذِيْنَ، اللَّهُمَّ اغْسِلْنِي مِنْ خَطَايَايَ بِالثَّابِجِ وَالْمَاءِ وَالْبَرَدِ».

“Аллооҳумма, бааъид байний вабайна хотоойаая камаа бааъадта байнал-машриқи вал-мағриб. Аллооҳумма,

1 Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмайсан.

2 Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад.

наққиний мин хотоойаая камаа юноқкос-савбул-абязу минад-данас. Аллооҳуммағсилний мин хотоойаая бис-салжи вал-маай вал-барод”.

“**Эй Аллоҳ!** мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқлаштирип. **Эй Аллоҳ!** Оппоқ либос кирлиқдан тозалангани каби мени ҳам хатоларимдан тозала. **Эй Аллоҳ!** Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан юв-покла!”<sup>(1)</sup>

**28-** (سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ،  
وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ).

Субҳаанак-Аллооҳумма, ва би-ҳамдика ва табаарокасмука ва таъаалаа жаддуқ, ва лаа илаха гойруқ”.

“Эй Аллоҳ! Сен (барча айбу нуқсонлардан) поксан. Сенинг ҳамдинг билан (тасбех айтдим). Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ”.<sup>(2)</sup>

**29-** (وَجَّهْتُ وَجْهِي لِلَّذِي فَطَرَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ حَنِيفًا  
وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ، إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ  
رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ، وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ، وَإِنَّا مِنَ الْمُسْلِمِينَ.

1 Бухорий ва Муслим.

2 Абу Довуд, Насоий, Термизий ва Ибн Можа.

اللَّهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَنْتَ رَبِّي وَأَنَا عَبْدُكَ، خَلَمْتُ  
نَفْسِي، وَاعْتَرَفْتُ بِذَنْبِي؛ فَاغْفِرْ لِي ذَنْبِي جَمِيعًا؛ إِنَّهُ لَا يَغْفِرُ  
الذَّنْبَ إِلَّا أَنْتَ. وَاهْدِنِي لِأَحْسَنِ الْأَخْلَاقِ؛ لَا يَهْدِي لِأَحْسَنِهَا  
إِلَّا أَنْتَ، وَاصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا؛ لَا يَصْرِفُ عَنِّي سَيِّئَهَا إِلَّا أَنْتَ.  
لَبِيكَ وَسَعْدِيَّكَ، وَالْحَيْرُ كُلُّهُ بِيَدِيَّكَ، وَالشَّرُّ لَيْسَ إِلَيْكَ، أَنَا بِكَ  
وَإِلَيْكَ، تَبَارِكْتَ وَتَعَالَيْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ».

36

“Важжахту важхий лиллазий фатарос-самааваати вал-ардо ҳанийфа, ва мaa ана минал мушрикийн. Инна солаатий ва нусукий ва маҳьяая ва мамаатий лиллахи роббил ъааламийна, лаа шарийка лаҳу ва би-заалика умирту ва ана минал-муслимийн. Аллоохұмма, антал-малику лаа илааха иллаа анта, анта роббий ва ана ъабдук, золамту нафсий, вәътарофту бизанбий, фағfirлий зунуубий жамийъаа, иннаху лаа яғфируз-зунууба иллаа ант. Ва-хдиний ли-аҳсанил-ахлақи, лаа яҳдий ли-аҳсаніхңаа иллаа ант. Ва-сриф ъанний сайнихаа, лаа ясрифу ъанний сайнихаа иллаа ант. Лаббайка ва съдайка, вал-хойру куллухуу фий ядайка, вашшарру лайса илайк, ана бика ва илайк, табаарокта ва таъалайт, астағфирука ва атуубу илайк”.

“Осмонлару ерни яратган Зотга мусулмон бўлиб юзландим ва мен мушриклардан эмасман. Албатта,

намозим, курбонлигим, ҳаётим ва ўлимим оламлар Робби бўлмиш Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Мен шунга буюрилдим ва бунга бўйсунувчи-мусулмонларданман. **Эй Аллоҳ!** Сен Маликсан ва Сендан ўзга ҳеч бир (ҳақ) илоҳ йўқ. Сен Роббимсан ва мен Сенинг қулингман. Мен (гуноҳлар қилиб) ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни эътироф этдим. Менинг барча гуноҳларимни кечир. Албатта, гуноҳларни ёлғиз Сен кечиравчисан. Мени энг гўзал хулқларга йўлла. Албата, гўзал хулқлар сари ёлғиз Сенгина ҳидоят этасан. Мендан ёмон хулқларни кетказ. Албатта, ёмон хулқларни фақат Сенгина мендан кетказишга қодирсан. Мен Сенинг итоатингда турувчи ва Сенинг итоатингда бўлувчиман. Барча яхшилик Сенинг қўлингдадир ва ёмонлик Сенга нисбат берилмас. Мен Сен билан борман (яъни, мададинг билан мавжудман) ва Сенга қайтаман. Сен улуғ ва олий бўлдинг. Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба(лар) этаман”.<sup>(1)</sup>

37

(4) ﴿اللَّهُمَّ رَبَّ جِبْرِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَإِسْرَافِيلَ، فَأَطِّرِ السَّمَاوَاتِ  
وَالْأَرْضَ، عَالَمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِيمَا  
كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ؛ اهْدِنِي لِمَا احْتَلِفَ فِيهِ مِنَ الْحَقِّ يَإِذْنِكَ؛ إِنَّكَ  
تَهْدِي مَنْ نَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾.

1 Муслим.

“Аллоохумма, Робба Жиброоийла ва Мийкаайила ва Исроофийла, фаатирес-самааваати валарз, ъаалимал-гойби ваш-шашаадати, анта таҳкуму байна ъибаадика фиймаа каануу фийхи яхталифуун, иҳдиний лимахтулифа фийхи минал-хаққи би-изник. Иннака таҳдий ман ташаа’у илаа сироотим-мустакийм”.

“Жаброил, Мийкоил ва Исрофилнинг Робби, осмонлару ернинг холиқи, ошкору ғайб ишларни билувчи **эй Аллоҳ!** Албатта, Сен бандаларинг тортишиб қолган нарсаларда (аниқ) ҳукм қилурсан. Ўз изнинг билан ихтилоф қилинган (ишлардаги) ҳаққа мени бошла. Албатта, Сен хоҳлаган кишиңгни түғри йўлга йўлловчисан”.<sup>(1)</sup>

«اللَّهُ أَكْبَرُ كَيْرًا، اللَّهُ أَكْبَرُ كَيْرًا، اللَّهُ أَكْبَرُ كَيْرًا،  
وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا، وَسُبْحَانَ  
اللَّهِ بُكْرَةً وَأَصِيلًا».

“Аллоҳу ақбару кабийро, Аллоҳу ақбару кабийро, Аллоҳу ақбару кабийро, вал-ҳамдуиллаҳи қасийро, вал-ҳамдуиллаҳи қасийро, вал-ҳамдуиллаҳи қасийро. Ва субҳааналлоҳи буқротан ва асийлаа.

“Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳ жуда буюкдир!

1 Муслим.

Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳга күп ҳамд бўлсин! Аллоҳга күп ҳамд бўлсин! Аллоҳга күп ҳамд бўлсин! Эртаю кеч Аллоҳни (барча нуқсонлардан) поклайман!” (3 марта тақрорлайди).

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ: مِنْ نَفْخِهِ، وَنَقْثِهِ، وَهَمْزِهِ».

Аъуузу биллааҳи минаш-шайтоони: мин нафхихии ва нафсиҳии ва ҳамзих”.

Аллоҳдан шайтоннинг нафасидан, дамидан ва вассасасидан паноҳ беришини сўрайман”.<sup>(1)</sup>

6-32) «اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ نُورُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ قَيْمُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، [وَلَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ]، [وَلَكَ الْحَمْدُ، لَكَ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ]، [وَلَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ مَلِكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ]، [وَلَكَ الْحَمْدُ؛ أَنْتَ الْحَقُّ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ، وَقُولُكَ الْحَقُّ، وَلَقَاؤُكَ الْحَقُّ، وَالجَنَّةُ حَقٌّ، وَالثَّارُ حَقٌّ، وَالثَّبِيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ]، [اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَبِكَ آمَنتُ، وَإِلَيْكَ أَنْبَتُ، وَبِكَ حَاصَمْتُ، وَإِلَيْكَ حَاگَمْتُ؛ فَاغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخْرَتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَمْتُ]؛ [أَنْتَ الْمُقَدَّمُ، وَأَنْتَ الْمُؤَخَّرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ]، [أَنْتَ إِلَهِي، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ]».

<sup>1</sup> Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад. Мусулим ҳам шунга яқин маънодаги хадисни келтирган.

“Аллоохұмма, лакал ҳамду анта нуурус-самааваати вал-арзи ва ман фийхинна, ва лакал ҳамду, анта қойимус-самааваати вал-арзи ва ман фийхинн. Ва лакал ҳамду, анта роббус-самааваати вал-арзи ва ман фийхинн. Ва лакал ҳамду, лака мулкус-самааваати вал-арзи ва ман фийхинн. Ва лакал ҳамду, анта маликус-самааваати вал-арз. Ва лакал ҳамду, антал ҳаққу ва вәйдукал ҳаққу ва қовлукал ҳаққу ва лиқоукал ҳаққу, вал-жаннату ҳаққун, ван-наару ҳаққун, ван-набийюна ҳаққун ва Мұхаммадун соллаллоҳу ъалайҳи ва саллама ҳаққун, вас-саағату ҳақ. Аллоохұмма, лака асламту ва ъалайка таваккалту ва бика ааманту ва илайка анабту ва бика хоосомту ва илайка ҳаакамту, фагfirлий мaa қоддамту ва мaa аххорту ва мaa асрорту ва мaa айлант. Антал-муқоддиму ва антал-муаххир, ла илаҳа илла анта, анта илааҳий, ла илаҳа илла ант”.

Бу зикрни Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси таҳажжуд ўқиётганларида айтар әдилар:

“Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер ва улардаги барча нарсаларнинг нурисан. Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер ва улардагиларни тутиб турувчиидирсан! Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Роббидирсан!



Сенга ҳамд бўлсин, осмонлару ер ва улардагилар Сеникидир! Сенга ҳамд бўлсин, Сен осмонлару ер Подшоҳидирсан! Сенга ҳамд бўлсин, Сен Ҳақсан! Ваъданг ҳақ, сўзинг ҳақ, Сен билан учрашиш ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, набийлар ҳақ, Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақ ва қиёмат ҳақдир. Эй Аллоҳ! Сенга бўйсундим ва Сенга таваккал этдим. Сенга иймон келтирдим ва Сенга тавба қилдим. Сен учун талашдим<sup>(1)</sup> (ботил ишларни ёмон кўрдим) ва Сени (ишларимда) ҳакам қилдим. Менинг олдин қилганларимни ҳам, кейин қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам мағфират эт. Аввал қилувчи ҳам, кейин қилувчи ҳам Сенсан! Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Илоҳим Сенсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир!”<sup>(1)</sup>.



## РУКУЪДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

(سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ). (1)-33

“Субҳаана Роббиял-ъазийм”.

“Улуғ Роббимни поклайман!” Уч маротаба айтилади.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий; Муслим ҳам шу маънодаги ҳадисни келтирган.

2 Абу Довуд, Насойй, Термизий, Ибн Можа ва Ахмад.

(2) «سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَرَبِّ الْجَمِيعِ اغْفِرْ لِي».

“Субҳаанак-Аллоохумма, Роббанаа ва биҳамдик, Аллоохуммағфир лий”.

“Эй Аллох! Сен (барча айбу нуқсондан) покдирсан. Эй Роббимиз! Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтдим. Эй Аллох! Мени мағфират эт”.<sup>(1)</sup>

(3) «سُبُّوْحٌ قُدُّوسٌ، رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحُ».

“Суббуухун Қуддуусун Роббул малааикати варруух”.

“(Аллох ҳар қандай ёмонлик, айбу нуқсондан) Пок ва муқаддас Зотдир. Малоикалар ҳамда Рух – Жаброилнинг Роббидир”.<sup>(2)</sup>

(4) «اللَّهُمَّ لَكَ رَكِعْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، حَشَّعَ  
لَكَ سَمْعِي، وَبَصَرِي، وَمُنْيِ، وَعَظِيمِي، وَعَصَمِي، [وَمَا اسْتَقَلَّتْ بِهِ  
قَدَمِي]».

“Аллоохумма, лака рокаыту ва бика ааманту ва лака асламту, хошаша лака самъий ва басорий ва муҳхий ва ъазмий ва ъасобий ва мас-тақолла биҳии қодамий”.

1 Бухорий ва Муслим.

2 Муслим ва Абу Довуд.

“Эй Аллоҳ! Сенга рукуъ қилдим ва Сенга иймон келтирдим, бўйсундим. Сенга қулоғим, кўзим, миям, суягим, пайим ва қадамим кўтариб турган нарсаларим (бутун баданим) бўйсунди”.<sup>(1)</sup>

**«سُبْحَانَ رَبِّ الْجَبَرُوتِ وَالْمَلَكُوتِ، وَالْكَبِيرِ يَاءُ وَالْعَظَمَةِ».** (5)-37

“Субҳаана зил-жабарути вал-малакути вал-кибрияаи вал-ъазомаҳ”.

“Куч-кудрат, салтанат, киборлик ва улуғлик соҳиби (бўлган Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир!”.<sup>(2)</sup>



## РУКУЪДАН КЎТАРИЛАЁТГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

**«سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ».** (1)-38

“Самиъаллооҳу лиман ҳамидаҳ”.

“Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчини(нг ҳамдини) қабул қилди”.<sup>(3)</sup>

**«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ؛ حَمْدًا كَثِيرًا، طَيِّبًا، مُبَارَّكًا فِيهِ».** (2)-39

“Роббанаа ва лакал-ҳамд, ҳамдан касийрон тойибан мубаарокан фийх”.

1 Муслим.

2 Абу Довуд, Насойи ва Ахмад.

3 Бухорий.

“Эй Роббимиз! Сенга қўп, ҳақиқий-риёсиз, муборак-хайрли, мўл ҳамд(лар) бўлсин”.<sup>(1)</sup>

(3)-40 «مِلْءَ السَّمَاوَاتِ، وَمِلْءَ الْأَرْضِ، وَمَا بَيْنُهُمَا، وَمِلْءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ. أَهْلَ الشَّنَاءِ وَالْمَجْدِ، أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ، وَكُلُّنَا لَكَ عَبْدٌ. اللَّهُمَّ لَا مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلَا مُعْطِيٌ لِمَا مَنَعْتَ، وَلَا يَنْفَعُ ذَا الْجَدَّ مِنْكَ الْجَدُّ». .



“Мил’ас-самааваати ва мил’ал-арзи ва маа байнахумаа, ва мил’а маа ши’та мин шай’ин баъд. Ахлас-санааи вал-мажд, аҳаққу маа қоолал-ъабду ва куллунаа лака ъабд. Аллоохумма, лаа мааниша лимаа аътойта ва лаа мұттия лимаа манаъта ва лаа янфау зал-жадди минкал-жадд”.

“Осмонлару ер ва улар ўргасидаги нарсалар миқдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса миқдорича (ҳамд бўлсин). Мақтов ва улуғлик аҳли-эгаси(сан). Кулинг айтган нарсага энг ҳақли Зот(сан). Барчамиз Сенга қулмиз. Эй Аллоҳ! Сен берган нарсани тұсувчи, Сен тұсган нарсани эса берувчи йўқдир! Сенинг олдингда улуғлик эгасига улуғлиги фойда беролмас”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий.

2 Муслим.



## САЖДА ҚИЛГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

(1)-41 *«سُبْحَانَ رَبِّيِ الْأَعْلَىٰ».*

“Субҳаана Роббиял-аълаа”.

“Энг олий Зот бўлмиш Роббимни барча айбу нуқсондан поклайман”. (Уч марта айтилади).<sup>(1)</sup>



(2)-42 *«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وَرَبِّ الْمَلَائِكَةِ اغْفِرْ لِي».*

“Субҳаанак-Аллоохумма, Роббанаа ва биҳамдик, Аллоохуммагфир лий”.

“Эй Роббимиз Аллоҳ! Сенинг ҳамдинг билан Сенга тасбех айтаман. Эй Аллоҳ, мени мағфират эт”.<sup>(2)</sup>

(3)-43 *«سُبُّوحُ، قُدُّوسٌ، رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحُ».*

“Суббуухун Куддуусун Роббул малааикати варруух”.

“(Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) Пок ва Муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Рух (Жаброил) нинг Роббидир”.<sup>(3)</sup>

1 Абу Довуд, Термизий, Насойй, Ибн Можа ва Ахмад.

2 Бухорий ва Муслим.

3 Муслим.

(4) «اللَّهُمَّ لَكَ سَجَدْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، سَاجَدْ  
وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ، وَصَوَرَهُ، وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ، تَبَارَكَ اللَّهُ  
أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ».

“Аллоохұмма, лака сажадту ва бика ааманту ва лака асламт. Сажада важхий лиллазий холақоҳу ва соввароҳу ва шаққо самъаҳу ва басороҳ. Табаарокаллооҳу ахсанул-хоолиқийн”.

“Эй Аллоҳ! Сенга сажда қилдим, иймон келтирдим, бўйсундим. Юзим уни яратган, сурат ато этган ва кўз-қулогимни очган Зотга сажда қилди. Энг яхши яратувчи Аллоҳ баракотли-буюқдир”.<sup>(1)</sup>

(5) «سُبْحَانَ ذِي الْحَبْرُوتِ وَالْمَلَكُوتِ، وَالْكِبْرِيَاءِ وَالْعَظَمَةِ».

"Субҳаана зил-жабаруути вал-малакуути вал-кибрийааи вал-ъазомаҳ".

“Куч-қудрат, салтанат, киборлик ва улуғлик соҳиби (Аллоҳ барча айбу нуқсондан) покдир!”.<sup>(2)</sup>

(6) «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي كُلَّهُ: دَفَّهُ وَجْلَهُ، وَأَوَّلَهُ وَآخِرَهُ،  
وَعَلَانِيَتَهُ وَسَرَّهُ».

1 Муслим.

2 Абу Довуд, Насойй ва Аҳмад.

“Аллоохуммағфир лий занбий куллаху, диққоху ва жиллаху ва аввалиаху ва аахироху ва ъалааниятаху ва сирроҳ”.

“**Эй Аллоҳ!** Менинг барча гуноҳларимни, каттаю кичик, аввалу охир ва яширину ошкорини мағфират эт”<sup>(1)</sup>.

47

(7) **اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخْطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أُحِصِّي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَثْبَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ».**

“Аллоохумма, инний аъузу би ризоока мин сахотика, ва би-муъафаатика мин ъуқуубатика, ва аъузу бика минк. Лаа уҳсий санаа’ан ъалайка, анта камаа аснайта ъалаа нафсик”.

“**Эй Аллоҳ!** Мен Сенинг розилигинг билан менга ғазаб қилишингдан паноҳ беришиңгни, афву-кечиришинг билан мени азоблашиңгдан паноҳ беришиңгни сўрайман. Мен Сендан менга Ўзингдан паноҳ беришиңгни тилайман. Сенга бўлган ҳамду санонинг ҳисобига етолмайман. Сен Ўзингга сано айтганинг кабидирсан”<sup>(2)</sup>.

1 Муслим.

2 Муслим

20

## ИККИ САЖДА ЎРТАСИДА ҮТИРИЛГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، رَبِّ اغْفِرْ لِي». (1)-48

“Роббигфир лий, Роббигфир лий”.

“Эй Роббим, мени мағфират қил. Эй Роббим, мени мағфират қил”.<sup>(1)</sup>



«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَاجْبِرْنِي، وَعَافِنِي،  
وَارْزُقْنِي، وَارْفَعْنِي». (2)-49

“Аллоохуммағфир лий, варҳамний, ваҳдиний, важбурний, ва ъаафиний, варзуқний, варфаъний”.

“Эй Аллоҳ! мени мағфират эт. Менга раҳм эт. Мени ҳидоят қил, (ишларимни) ўнгла ва оғият (яхшилик) ато эт. Менга ризқ бер ва мени(нг даражамни) баланд қил”.<sup>(2)</sup>

21

## САЖДА ОЯТИ ҮҚИЛГАНДА САЖДА ҚИЛАЁТИБ АЙТИЛАДИГАН ДУО

«سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي حَلَقَهُ، وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ  
وَقُوَّتِهِ؛ فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَكْبَرُ حُسْنُ الْخَلَاقَيْنَ». (1)-50

1 Абу Довуд ва Ибн Можа.

2 Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа.

“Сажада важхий лиллазий холақоҳуу ва шаққо самъаҳуу ва басороҳуу ва биҳавлиҳии ва қувватих. Фа-табаарокаллоҳу аҳсанул-хоолиқийн”.

“Юзим уни яратган ва куч-куввати билан кўз-қулоги(м)ни очган Зотга сажда қилди. (Энг яхши яратувчи Аллоҳ буюк-баракотлидир).<sup>(1)</sup>

49

**51-2)** ﴿اللَّهُمَّ اكْتُبْ لِي بِهَا عِنْدَكَ أَجْرًا، وَضُعْ عَنِّي بِهَا وِزْرًا، وَاجْعَلْهَا  
لِي عِنْدَكَ ذُخْرًا، وَتَقْبِلْهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلَهَا مِنْ عَبْدِكَ دَاءً﴾

“Аллооҳуммактуб лий биҳаа ъиндака ажрон, ва доъ ъаний биҳаа визрон, важъалҳаа лий ъиндака зухрон, ва тақоббалҳаа минний камаа тақоббалтаҳаа мин ъабдика Даавууд”.

“Эй Аллоҳ! Мана шу саждам сабабли даргоҳингда мен учун ажр ёз ва мендан (бир) гуноҳни ўчир. Бу саждамни йўз олдингда мен учун захира эт ва уни банданг Довуддан қабул этганинг каби мақбул эт”.<sup>(2)</sup>



## ТАШАҲХУД

**52-** ﴿الشَّحِيَّاتُ لِلَّهِ، وَالصَّلَوَاتُ، وَالطَّيِّبَاتُ، السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا  
الثَّيِّيْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَّكَاتُهُ، السَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ﴾

1 Термизий, Аҳмад ва Ҳоким.

2 Термизий ва Ҳоким.

أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ۔

“Аттахийаату лиллахи вас-солаваату ват-тойибаат. Ассаламу ъалайка айюхан-набиийу ва роҳматуллооҳи ва барокаатух. Ассалааму ъалайна ва ъалаа ъибаадиллааҳис-соолиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллооҳу ва ашҳаду анна Мұхаммадан ъабдухуу ва росуулух”.



“Улуғлашлар (саломлар, таъзимлар ёки қавлий ибодатлар), саловатлар (намозлар ёки баданий ибодатлар) ва тойиботлар (хамду санода ишлатиладиган покиза сўзлар, амаллар ёки садақотлар) Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракоти бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга (ҳақ) маъбудйўқ, Мұхаммад Унинг бандаси ва расулидир”.<sup>(1)</sup>

## 23 ТАШАҲХУДДАН СҮНГ РОСУУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМГА АЙТИЛАДИГАН САЛОВАТ

(1) «اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ؛ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ؛ إِنَّكَ حَمِيدٌ حَمِيدٌ。اللَّهُمَّ بارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ،

1 Бухорий ва Муслим.

وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ؛ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ؛ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَحِيدٌ».

“Аллооҳумма, солли ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа аали Мұхаммад, камаа соллайта ъалаа Иброҳийма ва ъалаа аали Иброҳийм. Иннака ҳамийдум-мажийд. Аллооҳумма, баарик ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа аали Мұхаммад, камаа баарокта ъалаа Иброҳийма ва ъалаа аали Иброҳийм. Иннака ҳамийдум-мажийд”.

“Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига раҳмат этганинг каби Мұхаммадға ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта, Сен мақталган ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи-умматига баракот-хайр ато этганингдек Мұхаммадға ва унинг оиласи-умматига ҳам баракот-хайр ато эт. Албатта, Сен мақталган ва улуғ Зотсан”.<sup>(1)</sup>

(2) 54-«اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذَرِيَّتِهِ؛ كَمَا صَلَيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ. وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذَرِيَّتِهِ؛ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ؛ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَحِيدٌ».

“Аллооҳумма, солли ъалаа Мұхаммадин ва ъалаа азыважиҳии ва зуррийиаатих, камаа соллайта ъалаа

1 Бухорий.

аали Иброохийм. Ва баарик ъалаа Мұҳаммадин ва ъалаа азваажихии ва зуррийяатих, камаа баарокта ъалаа аали Иброохийм. Иннака ҳамийдум- мажийд”.

“**Эй Аллоҳ!** Иброҳим оиласи-умматига саловат йўллаганинг каби Мұҳаммадга, унинг аёллари ва зурриётларига ҳам саловат йўлла. Иброҳим оиласи-умматига хайр-баракот ато этганингдек Мұҳаммадга, унинг аёллари ва зурриётларига ҳам хайр-баракот ато эт. Албатта, Сен мақтовли ва улуғ Зотсан”.<sup>(1)</sup>



## САЛОВАТДАН КЕЙИН САЛОМ БЕРИШДАН ОЛДИН АЙТИЛАДИГАН ДУОЛАР

(1) **اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَمِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ  
وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّالِ.**

“Аллооҳұмма, инний аъуузу бика мин ъазаабил-қобри ва мин ъазааби жаҳаннама ва мин фитнатил-маҳйаа вал-мамаати ва мин шарри фитнатил-масийхид-дажжаал”.

“**Эй Аллоҳ!** Мен Сендан қабр азобидан, жаҳаннама азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда

1 Бухорий ва Муслим.

масих Дажжол фитнасининг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман”.<sup>(1)</sup>

**2) (اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَالِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَحِيَا وَالْمَمَاتِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْمَأْسِ وَالْمَغْرَمِ.**

“Аллооҳумма, инний аъуузу бика мин ъазаабил қобр, ва аъуузу бика мин фитнатил-масийҳид-дажжаал, ва аъуузу бика мин фитнатил маҳйаа вал-мамаат. Аллооҳумма, инний аъуузу бика минал-маъсами вал-магром”.

“Эй Аллоҳ! Мен Сендан қабр азобидан, масих Дажжол фитнасидан, тириклик ва ўлим фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман! Эй Аллоҳ! Мен Сендан гуноҳ ва (ножоиз бўлган ёки тўлашнинг имкони бўлмайдиган) қарздан паноҳ беришингни сўрайман!”<sup>(2)</sup>

**3) (اللَّهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْمًا كَثِيرًا، وَلَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ؛ فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي؛ إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ.**

Аллооҳумма, инний золамту нафсий зулман касийрон ва лаа яғфируз-зунууба иллаа ант. Фағfir лий

1 Бухорий ва Муслим.

2 Бухорий ва Муслим.

мағфиротан мин ъиндиқа варҳамний иннака антал-гофууур-роҳийм”.

“Эй Аллоҳ! Албатта мен ўз нафсимга күп зулм қилдим. Гунохларни ёлғиз Сенгина кечирудвисан. Мени Ўз марҳаматинг – Ўз томонингдан бўладиган мағфират билан кечир, раҳм эт! Албатта, Сен кечирудчи ва раҳмли Зотдирсан”.<sup>(1)</sup>



نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَشُرُكِهِ، وَأَنْ أَقْتَرِفَ عَلَى نَفْسِي سُوءًا،  
أَوْ أَجْرُهَ إِلَى مُسْلِمٍ.

“Аллооҳумма, ъаалимал-гойби ваш-شاҳадаҳ, фаатиро-самааваати вал-арз, Робба кулли шай’ин ва малийкаҳ. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаа ант, аъуузу бика мин шарри нафсий ва мин шарриш-шайтоони ва ширкиҳ ва ан ақтариға ъалаа нафсий суу’ан ав ажурроҳу илаа муслим”.

“Яширину ошкорни билувчи, осмонлару ернинг Яратувчиси, бутун мавжудотнинг Робби ва Подшоҳи бўлган **ЭЙ Аллоҳ!** Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ! Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва унинг ширкидан (ширк келтиришга чақириб қиласиган васвасасидан), ўзимга ёки ўзга муслимга ёмонлик етказишимдан паноҳ беришингни сўрайман”.<sup>(1)</sup>

الرَّحْمَنِ تَنْزِيلُ الْكِتَبِ السَّجْدَةُ تَبَرَّكَ (12) ﴿الَّذِي يَدِيهُ الْمَلَكُ﴾ .

“Сажда” ва “Таборак” (“Мулк”) сураларини ўқииди.<sup>(2)</sup>

اللَّهُمَّ أَسْلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ، وَفَوَضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ (13)

1 Абу Довуд ва Термизий.

2 Абу Довуд ва Термизий.

وَوَجَهْتُ وَجْهِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ،  
لَا مَلْجَأً وَلَا مَنْجَأً إِلَّا إِلَيْكَ، آمَّتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ،  
وَبِنَيّْكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ.

“Аллоохумма, асламту нафсий илайка, ва фаввадту амрий илайка, ва важжахту важхий илайка, ва алжа’ту зохрий илайка, роғбатан ва роҳбатан илайк. Лаа малжа’а ва лаа манжaa минка иллаа илайк. Ааманту би-китаабикаллазий анзалта ва би-набиййикаллазий арсалт”.

“**Эй Аллоҳ!** Сенинг савобингни умид этиб, азобингдан қўрқиб ўзимни Сенга таслим этдим, ишимни Сенга топширдим-таваккал қилдим, Сенга юзландим ва Сенга суюндим. Сенинг уқубатингдан Сендан бошқа ҳимоялайдиган йўқ, паноҳгоҳ ҳам фақат Ўзингдир. Нозил этган китобингта, юборган набиййингта иймон келтиридим”.

(Ётар жойини солгач, намозга олгандек таҳорат олиб, сўнгра ўнг томон билан ётиб ушбу дуо ўқилади). Бу дуони ўқиган кишига Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам айтдилар: “Агар ўлсанг, фитратда (Ислом ёки суннатда) ўлган бўласан”.<sup>(1)</sup>

1 Бухорий ва Муслим.



## КЕЧАСИ У ЁНБОШДАН БУ ЁНБОШГА АҒДАРИЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

112- لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ، رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا  
بَيْنَهُمَا الْعَزِيزُ الْغَفَّارُ.

“Лаа илааҳа иллаллооҳ ал-вааҳидул-қоҳҳаар. Роббус-самааваати вал-арзи ва маа байнахумал-ъазийзул-гоффаар”.



“(Мутлақ Ғолиб) Қахҳор, осмонлар, ер ва улар ўртасидаги мавжудотлар Робби, Азиз (кудратли) ва Ғаффор (кечирувчи) бўлган ягона Аллоҳдан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ йўқ”.<sup>(1)</sup>



## УЙҚУСИДА ЧҮЧИВ КЕТИБ, ВАҲИМА БОСГАН КИШИ ЎҚИЙДИГАН ДУО

113- أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ غَضَبِهِ، وَعِقَابِهِ، وَشَرِّ  
عِبَادِهِ، وَمِنْ هَمَرَاتِ الشَّيَاطِينِ، وَأَنْ يَحْضُرُونَ.

“Аъуузу би калимаатиллаахит-тааммаати мин ғозобиҳии ва ъиқообиҳии ва шарри ъибаадиҳии ва мин ҳамазаатиш- шайаатийни ва ан яҳдурууун”.

1 Насойи. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ деган.

“Аллоҳнинг мукаммал калималари билан Унинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтонларнинг васвасаларидан ва менга ҳозир бўлишларидан паноҳ тилайман”.<sup>(1)</sup>



## ЁМОН ТУШ КҮРГАН КИШИ НИМА ҚИЛАДИ?



**114-(1)** Чап томонига (уч марта) туфлайди.<sup>(2)</sup>

«أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ».

Шайтондан ва күрган нарсасининг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайди. (Уч марта қиласи).<sup>(3)</sup>

Күрган тушини ҳеч кимга айтмайди.<sup>(4)</sup>

Бошқа томонга ағдарилиб ётади.<sup>(5)</sup>

**115-(2)** Агар хоҳласа, туриб намоз ўқийди.<sup>(6)</sup>



## ВИТРДАГИ ҚУНУТ ДУОСИ

**(1)-116** «اللَّهُمَّ اهْدِنِي فِي مَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِي مَنْ عَفَيْتَ،

1 Абу Довуд ва Термизий.

2 Муслим.

3 Муслим.

4 Муслим.

5 Муслим.

6 Муслим.

وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا أَعْطَيْتَ، وَقِنِي شَرَّ مَا  
قَضَيْتَ؛ فَإِنَّكَ تَقْضِي وَلَا يُقْضَى عَلَيْكَ، إِنَّهُ لَا يَذَلُّ مَنْ وَالَّتَّ  
[وَلَا يَعْزُزُ مَنْ عَادَيْتَ]، تَبَارِكْ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ».

“Аллооҳуммаҳдиний фийман ҳадайта, ва ъаафиний фийман ъаафайта, ва тавалланий фийман таваллайта, ва баарик лиј фиймаа аътойта, ва қиний шарро мaa қодойта, фа-иннака тақдий ва лаа юқдоо ъалайка, иннахуу лаа язиллу ман ваалайта, [ва лаа яъиззу ман ъаадайта,] табаарокта Роббанаа ва таъаалайт”.

“Эй Аллоҳ! Мени хидоят этган кишиларинг қаторида хидоят эт. Офијат (соғлик ва балолардан саломатлик) берганларинг қаторида офијат бер. Ишларини бошқариб ислоҳ қилганларинг қаторида менинг ишларимни ҳам бошқариб, ислоҳ қил. Ато этган нарсаларингни мен учун баракотли қил. Қазоҳукм этган нарсаларинг ёмонлигидан мени аспа. Албатта, Сен ҳукм қиласан, Сенга (қарши) ҳукм қилинmas. Сен дўст тутган киши хор бўлmas [ва Сен душман тутган киши азиз бўлmas]. Эй Роббимиз, Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан!”<sup>(1)</sup>

(2)-117 **اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخْطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ**

1 Абу Довуд, Термизий, Насоний, Ибн Можа ва бошқалар.

عُقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لَا أُحِصِّي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا  
أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ.

“Аллоохұмма, инний аъуузу би-ризоока мин сахотика, ва би муъафаатика мин ықуубатика ва аъуузу бика минк. Laa uhsiy sanaa’an ъалайка анта камаа аснайта ъалаа нафсик”.



“**Эй Аллох!** Мен Сенинг розилигинг билан менга ғазаб қилишингдан, афв-кечиришинг билан мени азоблашингдан, Сендан Ўзингдан паноҳ беришингни тилайман. Сенга лойиқ бўлганинг каби ҳамду сано айттолмайман. Сен Ўзингга сано айтганинг кабидирсан”.<sup>(1)</sup>

«اللَّهُمَّ إِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَلَكَ نُصَلِّي وَنُسَجُّدُ، وَإِلَيْكَ نَسْعَى  
وَنَخْفِدُ، نَرْجُو رَحْمَتَكَ، وَخَشِّي عَذَابَكَ؛ إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَافِرِينَ  
مُلْحِقٌ. اللَّهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ، وَنَسْتَغْفِرُكَ، وَنُتَبَّغِي عَلَيْكَ الْخَيْرَ، وَلَا  
نَكْفُرُكَ، وَنُؤْمِنُ بِكَ، وَنَخْضُعُ لَكَ، وَنَخْلَعُ مَنْ يَكْفُرُكَ».

“Аллоохұмма, ийяака наьбууду ва лака нусоллий ва насжуду, ва илайка насъаа ва нахфиду, наржуу роҳматака ва нахшаа ъазаабака, инна ъазаабака бил-каафирийна мулҳақ. Аллоохұмма, иннаа настаъийнука ва настағфирука ва нусний

1 Абу Довуд, Термизий, Насойй, Ибн Можа ва бошқалар.

ъалайкал-хойро ва лаа накфурука, ва ну’мину бика ва нахдоъу лака ва нахлаъу ман якфурук”.

“**Эй Аллоҳ!** Сенга ибодат қиласиз ва Сен учун намоз ўқиб саждалар қиласиз. Сен томон (яқин бўлиш учун) ҳаракат этиб, Сенинг тоатингта ошиқамиз. Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз. Албатта, азобинг коғирларга етувчиидир. **Эй Аллоҳ!** Биз Сендан мадад сўраймиз, мағфират тилаймиз. Сенга яхши сано-мақтовлар айтамиз. Сенга коғир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамиз ва Сенга коғир бўлган кимсаларни тарк қиласиз”.<sup>(1)</sup>



## ВИТР НАМОЗИДА САЛОМ БЕРИЛГАНИДАН СҮНГ АЙТИЛАДИГАН ЗИКР

Витрдан сўнг салом бериб бўлиб қуйидаги дуони уч марта айтади. Учинчисида овозини баланд кўтаради ва чўзиб ўқиди:

119- «سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْقَدُّوسِ».

“Субҳаанал-маликул- қуддуус”.

“Малик (Подшоҳ) Қуддус (Улуғ ва пок Зот) барча айбу нуқсондан покдир”.

1 Байҳақий. Албоний санадини сахих деган.

Бу дуо уч марта айтилади. Учинчисида овозини чиқариб, чўзибрөқ айтиб, давомида.

[رَبِّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ].

“Роббил-малааикати вар-руух”.

“Малоикалар ҳамда Рухнинг (Жаброилнинг) Робби!” дейди.<sup>(1)</sup>



## ТАШВИШ ВА МАҲЗУНЛИКДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

120-(1) «اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ، ابْنُ عَبْدِكَ، ابْنُ أَمْبَتِكَ، نَاصِيَتِي  
بِعَبْدِكَ، مَاضٍ فِي حُكْمِكَ، عَدْلٌ فِي قَضَاؤُكَ، أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ  
لَكَ، سَمِّيَتْ بِهِ نَفْسَكَ، أَوْ أَنْزَلْتُهُ فِي كِتَابِكَ، أَوْ عَلَمْتَهُ أَحَدًا مِنْ  
خَلْقِكَ، أَوْ اسْتَأْثَرْتَ بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ: أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ  
رَبِيعَ قَلْبِي، وَنُورَ صَدْرِي، وَجِلَاءَ حُزْنِي، وَذَهَابَ هَمِّي».

“Аллоохумма, инний ъабдук, ибну ъабдик, ибну аматик, наасиятий би ядик, маадин фийя хукмук, ъадлун фийя қодооук. Ас’алука би-куллисмин ҳува лака саммайта биҳи нафсака, ав анзалтахуу фий китаабика, ав ъалламтахуу аҳадан мин холқика, ав истаъсарта биҳии фий ъилмил-гойби ъиндака,

<sup>1</sup> Насойй, Доракутний ва бошқалар. Қавс ичидаги қўшимча Доракутнийники.

ан тажъалал-кур’ана робийъа қолбий ва нууро содрий ва жалаа’а хузний ва заҳаба ҳаммий”.

“**Эй Аллох!** Дарҳақиқат, мен Сенинг қулингман, қулингни ўғлиман, чўрингни ўғлиман. Пешонам қўлингда (яъни, мен Сенинг салтанатинг-хукминг остидаман). Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимдаги қазо (амр-хукминг) адолатдир. Сенга тегишли бўлган ҳар бир исм билан Сендан сўрайман: у исм билан Ўзингни номлаган, ёки бирон китобингда нозил қилган, ёки уни бирон бандангга билдирган, ёки Ўз олдингдаги ғайб илмида сақлаб қўйган эдинг. Шу исмларнинг ҳаммаси билан сўрайман – Куръонни қалбимнинг баҳори, кўнглумнинг нури, маҳзунлигимни кетиши (кетказувчи) ва ташвишимни аритувчи қил”.<sup>(1)</sup>

**121-(2) اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ، وَضَلَاعِ الدِّينِ، وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ۔**

“Аллооҳумма, инний аъузу бика минал-ҳамми вал-ҳазани, вал-ъажзи вал-касали, вал-буҳли вал-жубни, ва долаъид-дайни ва ғолабатир-рижаал”.

“**Эй Аллох!** Сендан ташвишу ғамдан, ожизлигу ялқовликдан, баҳиллигу қўрқоқликдан, қарзнинг

1 Аҳмад. Албоний саҳих деган.

оғирлигидан ва кишилар устимдан ғолиб бўлишидан паноҳ беришингни сўрайман”.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу дуони кўп айтар эдилар.<sup>(1)</sup>

## 35 ҚАЙФУ-ҒАМГА БОТГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУОЛАР



108

122-(1) «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ  
الْعَظِيمُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَرَبُّ الْأَرْضِ وَرَبُّ الْعَرْشِ  
الْكَرِيم». .

“Лаа илааҳа иллаллооҳул-ъазиймул-ҳалийм, лаа илааҳа иллаллооҳу Роббул-ъаршил-ъазийм, лаа илааҳа иллаллооҳу Роббус-самаваати ва Роббул-арзи ва Роббул-ъаршил-карийм”.

“Улуғ, Ҳалим Аллоҳдан Ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Арш эгаси бўлган улуғ Аллоҳдан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ йўқ. Осмонлар Робби, ернинг Робби, аршнинг Робби бўлган Карим Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ”.<sup>(2)</sup>

123-(2) «اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو؛ فَلَا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةً

1 Бухорий.

2 Бухорий ва Муслим.

عَيْنِ، وَأَصْلَحْ لِي شَأْنِي لَكَهُ؛ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ».

“Аллооҳумма, роҳматака аржуу. Фалаа тақилний илаа нафсий торфата ъайн, ва аслиҳ лий шаъний куллаҳ, лаа илааҳа иллаа ант”.

“**Эй Аллоҳ!** Раҳматингдан умидворман. Мени бирон лаҳза ҳам ўзимга ташлаб қўйма. Менинг бутун ишларимни ўнгла. Сендан ўзга ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ”.<sup>(1)</sup>

«لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ».(3)-124

“Лаа илааҳа иллаа анта субҳаанака инний кунту миназ-зоолимиин”

“Сендан ўзга ҳеч бир ҳақ маъбуд йўқ. Сен барча айбу нуқсондан пок Зотдирсан. Албатта, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим”.<sup>(2)</sup>

«اللَّهُ، اللَّهُ رَبِّيْ، لَا شَرِيكُ لِهِ شَيْءًا».(4)-125

“Аллоҳу Аллоҳу Роббий, лаа ушрику биҳии шай’aa”

“Аллоҳ, Аллоҳ Роббим. Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмасман”.<sup>(3)</sup>

1 Абу Довуд ва Ахмад.

2 Термизий ва Ҳоким.

3 Абу Довуд ва Ибн Можа.



## ДУШМАНГА ВА САЛТАНАТ ЭГАСИГА РҮПАРА КЕЛГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУОЛАР

(1) «اللَّهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ».

“Аллоохумма, иннаа нажъалука фий нухуурихим  
ва наъуузу бика мин шуруурихим”.



110

“**Эй Аллоҳ!** Уларнинг қаршиисига биз Сени қўйгаймиз  
ва Сендан уларнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни  
сўраймиз”.<sup>(1)</sup>

(2) «اللَّهُمَّ أَنْتَ عَضْدِي، وَأَنْتَ نَصِيرِي؛ بِكَ أَحُولُ، وَبِكَ  
أَصُولُ، وَبِكَ أَقْاتِلُ».

“Аллоохумма, анта ъадудий ва анта насийрий  
бика ажуулу ва бика асуулу ва бика уқоотил”.

“**Эй Аллоҳ!** Ўзинг менга ёрдам берувчисан, Ўзинг  
менга нусрат берувчисан. Сенинг мададинг билан  
жавлон ураман, (душманимга) ташланаман. Сенинг  
мададинг билан жангга кираман!”<sup>(2)</sup>

(3) «حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ».

“Хасбуналлооҳу ва ниъмал-вакийл”.

1 Абу Довуд. Ҳоким сахих деган.

2 Абу Довуд ва Термизий.

“Аллоҳ бизга кифоядир! У нақадар яхши кифоя этувчи – сақловчи Зотдир!”<sup>(1)</sup>

 **СУЛТОННИНГ ЗУЛМИДАН  
ҚЎРҚҚАН-ХАВФДА БЎЛГАН КИШИ  
ЎҚИЙДИГАН ДУОЛАР**

 **111**

1-129 (1) ﴿اللَّهُمَّ رَبَّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ، وَرَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ؛ كُنْ لِي جَارًا مِنْ فُلَانٍ بْنِ فُلَانٍ، وَأَحْزَابِهِ مِنْ خَلَائِقَكَ؛ أَنْ يَفْرُطَ عَلَيَّ أَحَدٌ مِنْهُمْ أَوْ يَطْغَى، عَرَّ جَارُكَ، وَحَلَّ ثَنَاؤُكَ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ﴾.

“Аллооҳумма, роббас- самааваатис-сабъи ва роббал-ъаршил-ъазийм, кун лий жаарон мин фулаан-ибни фулаанин (“фулаан ибни фулаанин” ўрнига золимнинг исмини айтади) ва аҳзаабиҳии мин холааиқика ан яфруто ъалайя аҳадун минҳум, ав ятfoo. Ўазза жаарука ва жалла санааука ва лаа илааҳа ғойрук”.

“Етти осмоннинг Робби, улуғ арш Робби бўлган **эй Аллоҳ!** Фалончи ва яна Сенинг бандаларингдан бўлган унинг гуруҳидаги кимсалардан бири менга озору азиятлар етказишидан, туғёнга тушишидан ҳимоячим бўл. Сенинг ҳимоянг қудратли ҳимоядир.

1 Бухорий.

Сенинг мақтовинг юксакдир. Сендан ўзга ҳеч қандай ҳақ илоҳ йўқ”.<sup>(1)</sup>

«اللَّهُ أَكْبَرُ، اللَّهُ أَعَزُّ مِنْ خَلْقِهِ جَمِيعًا، اللَّهُ أَعَزُّ مِمَّا أَخَافَ  
وَأَحَدُرُ، أَعُوذُ بِاللَّهِ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ، الْمُمْسِكُ السَّمَوَاتِ السَّبْعَ أَنْ  
يَقْعُنَ عَلَى الْأَرْضِ إِلَّا يَأْذِنِيهِ مِنْ شَرِّ عَبْدِكَ فُلَانِ، وَجُنُودِهِ وَأَتَبَاعِهِ  
وَأَشْيَاعِهِ، مِنَ الْجِنِّ وَالإِنْسِ، اللَّهُمَّ كُنْ لِي جَارًا مِنْ شَرِّهِمْ، جَلَّ  
ثَناؤُكَ، وَعَزَّ جَارُكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَلَا إِلَهَ غَيْرُكَ». <sup>(2)</sup>

“Аллооҳу Акбар, Аллооҳу аъаззу мин холқиҳи жамийъаа, Аллооҳу аъаззу миммаа аҳоофу ва аҳзар. Аъуузу биллаҳиллазий лаа илааҳа иллаа хуу, ал-мумсикис-самааваатис-саъи ан яқоъна ъалал-арзи иллаа би-изниҳ, мин шарри ъабдика фулаанин (“фулаанин” ўрнига золимнинг исмини айтади) ва жунуудихи ва атбааъиҳи ва ашиааъиҳи минал жинни вал-инс. Аллооҳумма, кун лиј жаарон мин шарриҳим, жалла санаука ва ъазза жаарука ва табаарокасмука ва лаа илааҳа гойрук”.

“Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ жамики маҳлукотларидан қудратли – Азиз Зотдир. У мен қўрқаётган ва хавфсираётган кимсалардан қудратлироқдир! Яккаю ёлғиз илоҳ, етти осмонни ер устига тушиб кетишидан тутиб турувчи – магар Унинг изни билан

1 Бухорий.

тушиши мумкин – Аллоҳдан фалончи банданг ҳамда унинг инсу жинлардан бўлган қўшинлари, тобелари ва гурухларининг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо этаман. **Эй Аллоҳ!** Мени уларнинг шарри-ёмонлигидан асровчи ҳимоячим бўл. Сенинг мақтovинг юксак, ҳимоянг кучлидир. Сенинг исминг буюк-баракотлидир ва Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ”. (Уч маротаба айтилади).<sup>(1)</sup>

 **ДУШМАНГА ҚАРАТА  
ҚИЛИНАДИГАН ДУО**

131- «اللَّهُمَّ مُنْزِلَ الْكِتَابِ، سَرِيعَ الْحِسَابِ؛ اهْزِمْ الْأَحْزَابَ، اللَّهُمَّ  
اهْزِمْهُمْ وَرَزِّلْهُمْ».»

“Аллооҳумма, мунзилал китааб, сарийъал ҳисааб, иҳзимил аҳзааб. Аллооҳумма, иҳзимхум ва залзилхум”.

“Китоб нозил этиб, ҳисоб-китобни тез қилувчи **Эй Аллоҳ!** (Душман) гурухларини мағлуб эт. **Эй Аллоҳ!** Уларни мағлуб эт ва уларга зилзила – саросима сол”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий

2 Муслим



## ОДАМЛАРДАН ҚҮРҚҚАН ВАҚТДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

132- «اللَّهُمَّ اكْفِنِيهِمْ بِمَا شِئْتَ».

“Аллоохұмма-кфинийхим бимаа ши’т”.

“**Эй Аллоҳ!** Мени Ўзинг хоҳлаган нарса билан улардан сақла!”<sup>(1)</sup>




## ИЙМОНИДА ШАК-ШУБҲАГА БОРИБ ҚОЛГАН КИШИНИНГ ДУОСИ

(1)- «أَعُوذُ بِاللَّهِ». 133

ллоҳдан “Аузу биллаҳи минаш- шайтонир рожийм”, деб паноҳ сўрайди.<sup>(2)</sup>

Шубҳага борган нарсасидан ўзини тўхтатади (у ҳақда ўйламайди).<sup>(3)</sup>

(2)- «آمَنْتُ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ». 134

“Ааманту биллаахи ва русулих”.

1 Муслим.

2 Бухорий ва Муслим.

3 Бухорий ва Муслим.



“Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирдим”,  
деб айтади.<sup>(1)</sup>

﴿هُوَ الْأَوَّلُ وَالْآخِرُ وَالظَّاهِرُ وَالبَاطِنُ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾ (3)-135

Хадид сурасидаги -Зоятни ўқийди: “У Аввалдир ва Охирдир ва Зоҳирдир ва Ботиндир ва У барча нарсани билувчиидир”.<sup>(2)</sup>

## №41 Қарзни тўлашда ўқиладиган дуолар

﴿اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ، وَأَعْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ﴾ (1)-136

“Аллооҳуммакфиний би-ҳалаалика ъан ҳароомика ва ағниний би-фадлика ъамман сиваак”.

“Эй Аллоҳ! Мени ҳалолинг билан ҳаромингдан сақла, тўс. Фазлу марҳаматинг билан ўзгалардан беҳожат қил”.<sup>(3)</sup>

﴿اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ وَالْجُنُنِ، وَضَلَاعِ الدِّينِ، وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ﴾ (2)-137

1 Муслим.

2 Абу Довуд. Албоний ҳасан деган.

3 Термизий.

“Аллоохумма инний аъуузу бика минал-ҳамми  
вал-ҳазани, вал-ъажзи вал-касали, вал-бухли вал-  
жубни, ва долаъид дайни ва ғолабатир-рижаал”.

“**Эй Аллоҳ!** Мен Сендан ташвишу ғамдан, ожизлигу  
ялқовликдан, баҳиллигу құрқоқликдан, қарзнинг  
оғирилигидан ва кишиларнинг (устимга) ғолиб бўлиб  
кетишидан паноҳ беришингни сўрайман”.<sup>(1)</sup>



116

## 42 НАМОЗ ВА ҚИРОАТИДА ВАСВАСА БЎЛАЁТГАН КИШИ ЎҚИЙДИГАН ДУО

- ۱۳۸ - *أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ*.

“Аъуузу биллааҳи минаш-шайтоонир рожийм”

“(Аллоҳнинг раҳматидан) қувилган шайтондан паноҳ  
тилаб, Аллоҳга илтижо қиласман”, деб чап томонга  
уч марта туфланади. (“Мана шундай қилганимда  
Аллоҳ шайтонни мендан узоқлаштирди”, деди  
Усмон ибн Абул Ос розияллоҳу анҳу).<sup>(2)</sup>

1 Бухорий.

2 Муслим.



## ИШИ ОГИРЛАШГАН КИШИ ЎҚИЙДИГАН ДУО

139- **اللَّهُمَّ لَا سَهْلَ إِلَّا مَا جَعَلْتَهُ سَهْلًا، وَأَنْتَ تَجْعَلُ الْحَزْنَ إِذَا  
شِئْتَ سَهْلًا.**

“Аллооҳумма, лаа саҳла иллаа маа жаъалтахуу саҳлаа, ва анта тажъалул-ҳазна изаа ши’та саҳлаа”.

“Эй Аллоҳ! Фақат Сен енгил қилган нарсагина енгилдир. Агар Сен хоҳласанг, оғирлик-қаттиқликни ҳам енгил қилувчи дирсан”.<sup>(1)</sup>

117



## БИР ГУНОҲ ИШНИ ҚИЛИБ ҚЎЙГАН КИШИ НИМА ДЕЙДИ ВА НИМА ҚИЛАДИ?

144- **مَا مِنْ عَبْدٍ يُذْنِبُ ذَنَبًا فَيُحِسِّنُ الظُّهُورَ, ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّي  
رَكْعَتَيْنِ, ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ اللَّهَ إِلَّا غَفَرَ اللَّهُ لَهُ.**

140- Бирон-бир гуноҳ иш қилиб қўйган киши яхшилаб таҳорат олиб, икки рак’ат намоз ўқиб, сўнгра Аллоҳга истиффор айтса, Аллоҳ уни албатта мағфират қиласи.<sup>(2)</sup>

1 Ибн Ҳиббон ва Ибн Сунний.

2 Абу Довуд ва Термизий. Албоний саҳиҳ деган.



## ШАЙТОН ВА УНИНГ ВАСВАСАСИНИ ҚУВИШ (ХАЙДАШ) ДУОСИ

**141-(1)** Аллоҳ таолодан шайтондан паноҳ беришini сүраб:

«أَعُوذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ».

“Аъуузу биллааҳи минаш- шайтоонир рожийм”  
дейди.<sup>(1)</sup>



**142-(2)** Азон.<sup>(2)</sup>

**143-(3)** (Ушбу қўлингиздаги китобда келтирилган барча) зикрлар ва Қуръон тиловати шайтонни хайдайди.

Үйларингизни қабрга айлантирмангиз. Албатта, шайтон “Бакара” сураси ўқилган уйдан қочади.<sup>(3)</sup>



## ЎЗИ ХОҲЛАМАГАН БИР ИШ БЎЛСА, ЁКИ КЎЗЛАГАН НАРСАСИГА ЕТОЛМАСА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

- «قَدْرُ اللّٰهِ، وَمَا شَاءَ فَعَلَ». 144

1 Абу Довуд ва Термизий.

2 Аzon айтса, шайтон қочади. [Бухорий ва Муслим].

3 Муслим.

“Қодаруллооҳи ва маа шаа’а фаъал”.

“Бу Аллоҳнинг тақдири. У Ўзи хоҳлаганини қилди”.

“Кучли мўмин (иродали, қатъиятли, матонатли, охират ишларида муҳаббатли-ғайратли мўмин) Аллоҳга (мазкур сифатларда) кучсиз мўминга нисбатан суюклироқ ва яхшироқдир. Ҳар иккисида ҳам (иймон келтирганлари сабабли) хайр-яхшилик бор. Ўзингга наф берадиган нарсаларга (Аллоҳнинг тоатига, Унинг ҳузуридаги нарсага интилишга) ҳарис бўл. Аллоҳдан мадад тила, заифлашма. (Унинг талабидан бўшашма, ялқовлик қилма). Мабодо сенга бирон нарса етадиган бўлса, “Агар бунаقا қилганимда унақа бўларди”, – деб айтма. Аксинча, “Бу Аллоҳнинг тақдири. У Ўзи хоҳлаганини қилди”, – деб айт. Чунки “агар” калимаси шайтон амалини очиб-бошлиб берувчи бўлади”.<sup>(1)</sup>

**47 ФАРЗАНД КЎРГАН КИШИГА  
АЙТИЛАДИГАН ТАБРИК ВА УНИНГ  
ЖАВОБИ**

145 - «بَارَكَ اللَّهُ لَكَ فِي الْمَوْهُوبِ لَكَ، وَشَكَرْتَ الْوَاهِبَ، وَبَلَغَ أَشَدَّهُ، وَرُزِقْتَ بِرَبَّهُ».

1 Муслим.

“Баарокаллооху лака фил-мавҳуubi лака, ва шакартал-ваҳиба ва балағо ашуддаҳуу ва рузиқта биррох”, дейди.

“Аллоҳ сизга қилингандар тортىқни баракотли этсин! Берувчига шукроналар айтинг. Вояга етсин, яхшилигини күринг!”

Табрикланувчи:



«بَارَكَ اللَّهُ لَكَ، وَبَارَكَ عَلَيْكَ، وَجَرَأَكَ اللَّهُ خَيْرًا، وَرَزَقَكَ اللَّهُ مِثْلَهُ، وَأَجْزَلَ ثَوَابَكَ».

“Баарокаллооху лака ва баарока ъалайка, ва жазаакаллооху хойрон ва розақокаллооху мислахуу ва ажзала саваабак”, дейди.

“Аллоҳ сизга ҳам баракотлар ато этсин. Яхши мукофотлар билан мукофотласин. Сизгада худди шундайини берсин. Савобингизни зиёда қылсиян”<sup>(1)</sup>



## БОЛАЛАР УЧУН НИМА ДЕБ ПАНОХ ТИЛАНАДИ?

146 - «أُعِيدُ كُمَا بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَةِ، مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَةٍ، وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لَامَةٍ».

1 Нававийнинг “Азкор” китобидан.

“Уъизука (икки кишига, “уъизукумаа”; уч ва ундан кўп бўлса, “уъизукум”) би-калимаатиллааҳиттааммаҳ, мин қулли шайтоонин ва ҳааммаҳ, ва мин қулли йайниң лааммаҳ”.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳасан ва Ҳусайнга қуидагича паноҳ тилар эдилар: “Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан, заарли ҳашаротдан ҳамда ёмон кўз(тегиши)дан сизларга паноҳ тилайман”.<sup>(1)</sup>



## **БЕМОРНИНГ ҲОЛИНИ СЎРАШ УЧУН БОРИЛГАНДА УНГА АЙТИЛАДИГАН ДУО**

﴿لَا يَأْسَ، طَهُورٌ إِنْ شَاءَ اللَّهُ﴾. (1)-147

“Лаа баъса тохуурин иншааллоҳ”.

Ҳечқиси йўқ. Аллоҳ хоҳласа, (гуноҳлардан) тозаланасиз”. Ёки “Яхши бўлиб кетасиз”. Биринчи маъноси кучлироқ).<sup>(2)</sup>

﴿أَسْأَلُ اللَّهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يُشْفِيَكَ﴾. (2)-148

“Ас’алуллоҳоҳ-ъазийма, роббал-ъаршил-ъазийми, ан яшфияк”.

1 Бухорий.

2 Бухорий.

“Улуғ аршнинг Робби бўлган Буюк Аллоҳдан сизга шифо беришини тилайман”. (Етти марта тақрорлайди).

Ажали етмаган беморни кўрган киши шу дуони етти марта айтадиган бўлса, у (албатта) тузалади.<sup>(1)</sup>



## КАСАЛ БЎЛИБ ЁТГАН КИШИНИ БОРИБ КЎРИШНИНГ ФАЗЛИ

149- قَالَ النَّبِيُّ ﷺ : «إِذَا عَادَ الرَّجُلُ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ مَشَى فِي حِرَافَةِ الْجَنَّةِ حَتَّى يَجْلِسَ، فَإِذَا جَلَسَ عَمَرَتْهُ الرَّحْمَةُ، فَإِنْ كَانَ عُذْوَةً صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلِكٍ حَتَّى يُمْسِيَ، وَإِنْ كَانَ مَسَاءً صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلِكٍ حَتَّى يُضْبَحَ».

149- Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Агар киши (касал бўлиб ётган) мусулмон биродарини кўргани борса, то (етиб бориб) ўтиргунича жаннат мевалари(боги)да юради. Ўтирган чоғида уни раҳмат қамрайди. Агар эрталаб борган бўлса, то кеч киргунга қадар етмиш минг фаришта унга саловат-истиғфор айтади. Агар кечкурун борган бўлса, тонггача етмиш минг малак унга саловат-истиғфор айтади”.<sup>(2)</sup>

1 Термизий ва Абу Довуд.

2 Термизий, Ибн Можа ва Ахмад.



## ҲАЁТДАН УМИДИНИ УЗГАН ХАСТА КИШИННИНГ ДУОСИ

(1)-150 «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَأَلْحِقْنِي بِالرَّفِيقِ الْأَعْلَىٰ».

“Аллооҳуммағfir лий варҳамний ва алҳиқний бир-рофииқил аълаа”.

“Эй Аллоҳ! Мени мағфират эт. Менга раҳм қил ва мени рафиқул аъло – олий маконда (иллийонда) яшовчи анбиёлар қаторига қўш”.<sup>(1)</sup>

123

(2)-151 «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ إِنَّ لِلنَّمُوتِ لَسَكَرَاتٍ».

“Лаа илааҳа иллаллоҳ, инна лил-мавти ласакароот”.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этар чоғларида қўлларини сувга тиқиб, кейин юзларига сурар ва: “Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. Албатта, ўлимнинг мастиклари (сакароти) бор”, деб айтар эдилар.<sup>(2)</sup>

(3)-152 «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَاللَّهُ أَكْبَرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةٌ إِلَّا بِاللَّهِ».

1 Бухорий ва Муслим.

2 Бухорий.

“Лаа илааҳа иллаллооҳу вәллооҳу ақбар, лаа илааҳа иллаллооҳу вәхдах, лаа илааҳа иллаллооҳу вәхдаху лаа шарийка лаҳ, лаа илааҳа иллаллооҳу лаҳұл мұлқу вә лаҳұл ҳамд, лаа илааҳа иллаллооҳу вә лаа ҳавла вә лаа қувваты иллаа биллааҳ”.

“Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Аллоҳ буюқдир. Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, У ёлғиздир! Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, У шериги йўқ Зотдир. Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, мұлқ ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, ҳаракат ҳам, қувват ҳам Аллоҳ (мадади) биландир”.<sup>(1)</sup>

## 52 ЖОНИ УЗИЛАЁТГАН КИШИГА ТАЛҚИН ҚИЛИШ (УНГА АЙТИБ ТУРИЛАДИГАН СҮЗ)

153- Охирги сўзи “Ла илааҳа иллаллооҳ” – “Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ”, бўлган киши Жаннатга киради.<sup>(2)</sup>

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ»

“Ла илааҳа иллаллооҳ”

1 Термизий ва Ибн Можа Албоний сахиҳ деган.

2 Абу Довуд.



## МУСИБАТ ЕТГАН КИШИННИНГ ДУОСИ

-154 - إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللَّهُمَّ أَجْرِنِي فِي مُصِبَّتِي،  
وَأَخْلِفْ لِي خَيْرًا مِنْهَا».

“Иннаа лиллахи ва иннаа илайхи роожиъун. Аллооҳумма’ журний фий мусийбатий ва ахлиф лий хойрон минҳаа”.

125

“Албатта, биз Аллоҳникимиз (Унинг бандаларимиз) ва албатта биз У Зотга қайтувчимиз. **Эй Аллоҳ!** Мана шу мусибатимда (шу сабабли) менга ажру мукофот бер ва мен учун ундан яхшироқ бўлган нарсани эваз қил”.<sup>(1)</sup>



## МАЙИЙТИННИНГ КЎЗИНИ ЁПИБ КЎЙИШДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

-155 - «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِفُلَانِ، وَارْفَعْ دَرَجَتَهُ فِي الْمَهْدِيَّينَ، وَاحْلُفْهُ فِي  
عَقِيْبَهِ فِي الْغَابِرِيَّينَ، وَاغْفِرْ لَنَا وَلَهُ يَا رَبَّ الْعَالَمِيَّينَ، وَافْسُحْ لَهُ فِي  
قَبْرِهِ، وَتَوَرْ لَهُ فِيهِ».

“Аллооҳуммағfir ли-фулаан (“фулаан” сўзи ўрнига майийитнинг исмини айтади) варфаъ дарожатахуу

1 Муслим.

фил-маҳдийийин, вахлуфху фий ъақибихи фил-ғообириин, вағfir ланаа ва лаҳуу йаа роббал-ъааламийн, вафсаҳ лаҳуу фий қобрихии ва наввир лаҳуу фийх”.

“**Эй Аллоҳ!** Фалончининг (ўлган одамнинг исмини айтади) гуноҳларини мағфират қил. Унинг даражасини хидоят топганлар қаторига кўттар ва орқасида қолганларга (зурриётлари, аҳли-оласига) унинг ўрнига Ўзинг халифа (қаровчи, бошқарувчи) бўл. Эй оламлар Робби! Бизни ҳам, уни ҳам мағфират эт. Унинг қабрини кенг қил ва нурга тўлдир”.<sup>(1)</sup>



## ЖАНОЗА НАМОЗИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

156-1) «اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، وَارْحَمْهُ، وَعَافِهِ، وَاعْفُ عَنْهُ، وَأَكْرِمْ نُزُلَهُ، وَوَسِّعْ مُدْخَلَهُ، وَاغْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالبَرَدِ، وَنَقِّهِ مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَيْتَ الشَّوْبَ الْأَبْيَضَ مِنَ الدَّنَسِ، وَأَبْدِلْهُ دَارًا حَيْرًا مِنْ دَارِهِ، وَأَهْلًا حَيْرًا مِنْ أَهْلِهِ، وَزَوْجًا حَيْرًا مِنْ زَوْجِهِ، وَأَدْخِلْهُ الْجَنَّةَ، وَأَعِدْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، [وَعَذَابِ التَّارِ].»

“Аллоҳуммағfir лаҳуу, варҳамху, ва ъағифиҳи, ваъфу ъанҳу, ва акрим нузулаҳуу, ва вассиъ мудхолаҳуу, вағсилху бил-мааи вас-салжи вал-

1 Муслим.

барод, ва наққиҳии миназ-зунууби вал-хотоойаа камаа наққойтас-савбал абядо минад-данас, ва абдилҳу даарон хойрон мин даариҳии, ва аҳлан хойрон мин аҳлиҳии, ва завжан хойрон мин завжих, ва адхилҳул-жанната ва аъизху мин ъазаабил-қобри [ва ъазаабин-наар]”.

“Эй Аллоҳ! Уни мағфират эт, раҳматингга ол. Унга оғият ато эт, афв эт. Унинг насибасини (чиройли) улуғ қил. Кирар жойини кенг қил. Уни сув, қор ва дўл билан юв. Оппоқ либосни кирлиқдан тозалаганинг каби уни хатолардан покла. Унга ўз уйидан яхшироқ бўлган уй, аҳлидан ҳам яхшироқ аҳл ва аёлидан яхшироқ аёл-жуфт ато қил. Уни Жаннатга киргиз, қабр азобидан [ва дўзах азобидан] асрар”.<sup>(1)</sup>

(2) **اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِحَيَّنَا وَمَيِّتَنَا، وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا، وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا، وَذَكَرِنَا وَأُنْثَانَا، اللَّهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَ الْأَحْيَاءِ فَاحْيِهْ عَلَى الْإِسْلَامِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَ الْفَتَوَّفَةِ عَلَى الْإِيمَانِ، اللَّهُمَّ لَا تَحْرِمْنَا أَجْرَهُ، وَلَا تُضِلْنَا بَعْدَهُ.**

“Аллооҳуммағfir ли-ҳаййинаа ва майитинаа ва шаахидинаа ва ғооибинаа ва соғийринаа ва кабийринаа ва закаринаа ва унсаанаа. Аллооҳумма, ман аҳыйтахуу миннаа фа-аҳийхии ъалал-ислаам, ва

1 Муслим.

ман таваффайтахуу миннаа фа-таваффаҳуу ъалалиймаан. Аллооҳумма, лаа тахримнаа ажроҳуу ва лаа тудилланаа баъдах”.

“**Эй Аллоҳ!** Бизнинг тиригу ўликларимизни, шу ерда ҳозирү ғойбларимизни, каттаю кичигимизни, эркагу аёлимизни(нг гуноҳларини) мағфират эт. Эй Аллоҳ! Агар биздан биронтамизни яшатадиган бўлсанг, уни исломда яшат. Жонини оладиган бўлсанг, иймени билан ол. Эй Аллоҳ! Бунинг (майиттинг) ажрасавобидан бизни маҳрум айлама ва (ундан) кейин бизни Ўзинг адаштирма”.<sup>(1)</sup>

158-3) «اللَّهُمَّ إِنَّ فُلَانَ بْنَ فُلَانٍ فِي ذِمَّتِكَ، وَحَبْلٌ جِوَارِكَ؛ فَقِهِ مِنْ فِتْنَةِ الْقَبْرِ، وَعَذَابِ النَّارِ، وَأَنْتَ أَهْلُ الْوَفَاءِ وَالْحَقِّ؛ فَاغْفِرْ لَهُ، وَارْحَمْهُ؛ إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

“Аллооҳумма, инна фулаана-бна фулаанин (“фулаана-бна фулаанин” ўрнига майиттинг исми айтилади) фий зимматика ва ҳабли живаарик, фақиҳии мин фитнатил қобри ва ъазаабин-наар, ва анта аҳлул-вафааи вал-ҳақ, фағfir лахуу, варҳамху, иннака антал- ғофуурур-роҳийм”.

“**Эй Аллоҳ!** Фалончининг ўғли фалончи Сенинг зиммангда ва ҳимоянгдадир. Уни қабр фитнасидан ва дўзах азобидан Ўзинг асра. Сен ваъдангга вафо

1 Ибн Можа ва Аҳмад.

қилувчи ва ҳақни рўёбга чиқарувчи дирсан. Унинг гуноҳларини кечир ва унга раҳм эт. Албатта, Сен кечиримли ҳамда раҳмли Зотдирсан”.<sup>(1)</sup>

(4)-159 **«اللَّهُمَّ عَبْدُكَ وَابْنُ أَمْتِكَ احْتَاجَ إِلَيْ رَحْمَتِكَ، وَأَنْتَ عَنِّي عَنْ عَذَابِهِ، إِنْ كَانَ حُسِنًا فَزِدْ فِي حَسَنَاتِهِ، وَإِنْ كَانَ مُسِيئًا فَتَجَاوِزْ عَنْهُ».**

“Аллооҳумма, ъабдука вабну аматика иҳтаажа илаа роҳматика ва анта ғонийюн ъан ъазаабих, ин каана муҳсинан фазид фий ҳасанаатих, ва ин каана мусий’ан фа-тажааваз ъанх”.

“Эй Аллоҳ! Кулинг ва чўрингнинг фарзанди Сенинг раҳматингга муҳтождир. Сен эса уни азоблашдан беҳожатсан. Агар у яхши бўлган бўлса, ҳасанотларини зиёда эт. Агар у ёмон бўлган бўлса, унинг ёмонлигини кечиб юбор”.<sup>(2)</sup>



## ГЎДАККА ЎҚИЛАДИГАН ЖАНОЗА НАМОЗИНИНГ ДУОСИ

(1)-160 **«اللَّهُمَّ أَعِنْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ».**

“Аллооҳумма, аъизҳу мин ъазаабил қобр”.

1 Ибн Можа ва Абу Довуд.

2 Ҳоким. Заҳабий сахиҳ деган.

“Эй Аллоҳ! Уни қабр азобидан сақла”.

Сайд ибн Мусайяб айтади: “Гуноҳ қилмаган гүдакка Абу Ҳурайра жаноза намозини үқиганида орқасида турдим. У шу дуони үқиди”.<sup>(1)</sup>

Күйидаги дуони үқиса ҳам яхши:

«اللَّهُمَّ اجْعِلْنَا فَرَّطاً وَذُخْرًا لِوَالدِّيْهِ، وَشَفِيعًا مُحَاجِبًا، اللَّهُمَّ تَقْلُّ  
بِهِ مَوَازِينَهُمَا، وَأَعْظِمْ بِهِ أَجُورَهُمَا، وَالْحَقْهُ بِصَالِحِ الْمُؤْمِنِينَ،  
وَاجْعِلْنَا فِي كَفَالَّةِ إِبْرَاهِيمَ، وَقِهِ بِرَحْمَتِكَ عَذَابَ الْجَحِيمِ، وَابْدِلْهُ  
دَارًا خَيْرًا مِنْ دَارِهِ، وَأَهْلًا خَيْرًا مِنْ أَهْلِهِ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِأَسْلَافِنَا،  
وَأَفْرَاطِنَا، وَمَنْ سَبَقَنَا بِالإِيمَانِ».

“Аллоохұммажъалху фаротон ва зухрон ли-ваалидайхы, ва шафийъан мужаабаа. Аллоохұмма, саққил биҳии маваазийнахумаа ва аъзим биҳии ужуурохумаа ва алҳиқху би-соолиҳил- му’минийн, важъалху фий кафаалати иброохийма ва қиҳии бироҳматика ъазаабал-жаҳийм, ва абдилху даарон хойрон мин даариҳии ва ахлан хойрон мин аҳлих. Аллоохұммағfir ли-аслаафинаа ва афроотинаа ва ман сабаконаа бил-иймаан”.

“Эй Аллоҳ! Уни ота-онаси учун ажр-мукофот, захира ҳамда шафоати қабул бўладиган шафоатчи қил. Эй

1 Молик “Муватто”да, Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да келтирган. Байҳакий ҳам ривоят қилган.

**Аллоҳ!** шу гўдак сабабли уларнинг (ота-онасининг) мезонларини оғир, ажру-мукофотларини улуғ қил. Уни солиҳ мўминлар қаторига қўш. Иброҳимнинг кафолатида (кафилигида) қил. Ўз раҳматинг билан уни жаҳаннам азобидан сақла, унга уйидан яхшироқ уй, ахлидан яхшироқ аҳл (оила) ато қил (ўрнига бер). **Эй Аллоҳ!** Ёшу қаримизни ҳамда биздан олдин иймон билан ўтиб кетган кишиларни мағфират қил!”<sup>(1)</sup>

(2)-161 **اللَّهُمَّ اجْعِلْهُ لَنَا فَرَطًا، وَسَلْفًا، وَأَجْرًا.**

“Аллооҳуммажъалху ланаа фаротон ва салафан ва ажроо”.

“**Эй Аллоҳ!** Уни биз учун (сенинг хузурингда туриб, бизни) кутиб оловчи, салаф ва ажру мукофот қил”.

Ҳасан Басрий гўдакнинг жанозасида “Фотиха” сураси билан шу дуони ўқир эдилар.<sup>(2)</sup>



## ТАЪЗИЯ ДУОСИ

162- **إِنَّ اللَّهَ مَا أَخَدَ، وَلَهُ مَا أَعْطَى، وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِأَجْلٍ مُسَمًّى... فَلْتَصِرْ، وَلْتَحْتَسِبْ».**

“Инна лиллаҳи мaa ахоза ва лаҳуу мaa аътоо ва

1 Ибн Кудома ва Ибн Бозлар ўз китобларида келтирганлар.

2 Багавий ва Абдураззок ривоят қилган.

куллу шай'ин ъиндахуу би-ажалин мусаммаа, фалтасбир вал-таҳтасиб".

"Албатта, олгани ҳам, бергани ҳам Аллоҳнинг Ўзиники. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида маълум муҳлат билан (белгиланғандир). Сабр қилинг, Аллоҳнинг ҳузуридаги ажру савобни умид этинг".<sup>(1)</sup>

Күйидагича айтса ҳам яхши:

«أَعْظَمَ اللَّهُ أَجْرَكَ، وَأَحْسَنَ عَزَاءَكَ، وَغَفَرَ لِمَيِّتَكَ».

"Аъзомаллооху ажрока ва аҳсаны ъазаа'ака ва гофаро ли-майитик".

"Аллоҳ ажрингизни улуғ, сабрингизни чиройли қилсин! Вафот этган кишингизни мағфиратига олсин".<sup>(2)</sup>

## 58 МАЙИЙТИНІ ҚАБРГА ҚҮЯЁТГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

. 163 - «بِاسْمِ اللَّهِ، وَعَلَى سُنَّةِ رَسُولِ اللَّهِ».

"Бисмиллаахи ва ъалаа суннати росуулиллаах".

"Аллоҳ номи билан ва Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам суннатига биноан".<sup>(3)</sup>

1 Бухорий ва Муслим.

2 Нававий.

3 Абу Довуд.



## МАЙИЙТ ДАФН ҚИЛИНГАЧ ЎҚИЛАДИГАН ДУО

164 - ﴿اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللَّهُمَّ شَبَّتْهُ﴾.

“Аллоохуммағфир лаҳ. Аллоохумма, саббитҳұ”.

“Эй Аллоҳ! Уни мағфират қил. Эй Аллоҳ! Уни событқадам қил”.

133

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам майийитни дафн қилиб бўлгач, унинг тепасида туриб айтардиларки: “Биродарингизга истиғфор тиланглар, унга событқадамлик сўранглар, албатта, у ҳозир сўралади”.<sup>(1)</sup>



## ҚАБРЛАРНИНГ ЗИЁРАТИДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

165 - ﴿السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الدِّيَارِ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَإِنَّا إِنْ شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَا حِقُونَ، [وَيَرْحَمُ اللَّهُ الْمُسْتَقْدِمِينَ مِنَ الْمُسْتَأْخِرِينَ]، أَسْأَلُ اللَّهَ لَنَا وَلَكُمُ الْعَافِيَةَ﴾.

“Ассалааму ъалайкум аҳлад-дийаари миналму’минийна вал-муслимиин, ва иннаа ин шаа

1 Абу Довуд ва Ҳоким. Заҳабий сахиҳ деган.

Аллоҳу бикум лаахиқуун, [ва ярхамуллооҳул-мустақдимийна миннаа вал-мустаъхирийн] ас'алуллооҳа ланаа ва лакумул-ъафиях”.

“Мүмин ва муслимлардан иборат бўлган эй диёр (қабристон) аҳли, сизларга салом бўлсин! Аллоҳ хоҳласа, биз ҳам (бир куни) сизларнинг ёнингизга келамиз. [Биздан аввал ўтганларни ҳам, кейин ўтганларни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин]. Аллоҳдан ўзимизга ҳам, сизларга ҳам оғият тилайман”.<sup>(1)</sup>



## ШАМОЛ ПАЙТИ ЎҚИЛАДИГАН ДУО

(1) «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرَّهَا». 166

“Аллооҳумма, инний ас'алука хойроҳаа ва аъуузу бика мин шарриҳаа”.

“Эй Аллоҳ! Мен Сендан бу шамолнинг хайри-яхшилигини сўрайман. Унинг ёмонлигидан паноҳ тилайман”.<sup>(2)</sup>

(2) «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا، وَخَيْرَ مَا فِيهَا، وَخَيْرَ مَا أُرْسَلْتُ  
بِهِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرَّهَا، وَشَرِّ مَا فِيهَا، وَشَرِّ مَا أُرْسَلَتْ بِهِ».

1 Муслим ва Ибн Можа. Қавс ичидаги қўшимча Муслимдан.

2 Абу Довуд ва Ибн Можа.

“Аллооҳумма, инний ас’алука хойроҳаа ва хойро мaa фийҳаа ва хойро мaa урсилат бих, ва аъуузу бика мин шарриҳаа ва шарри мaa фийҳаа ва шарри мaa урсилат бих”.

“**Эй Аллоҳ!** Мен Сендан бу шамолнинг, ундаги нарсанинг ва у билан юборилган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Унинг, ундаги нарсанинг ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман”.<sup>(1)</sup>



## МОМАҚАЛДИРОҚ БЎЛГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

- 168 - **سُبْحَانَ الَّذِي يُسَبِّحُ الرَّعْدُ بِحَمْدِهِ، وَالْمَلَائِكَةُ مِنْ خِيفَتِهِ۔**

“Субҳааналлазий юсаббихур-роъду би-ҳамдиҳии вал-малааикату мин хийфатиҳ”.

“Момақалдироқ ҳамду-сано билан тасбех айтадиган, малоикалар ҳам Унга қўрқанларидан тасбех айтадиган Зот барча айбу нуқсонлардан покдир”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий ва Муслим.

2 Абдуллоҳ ибн Зубайр момақалдироқ овозини эшитганда гапиришдан тўхтар эдилар. “Муватто”да келтирилган, Албоний санадини сахиҳ деган. Мавкуф.

## 63 ЁМГИР СҮРАЛГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

(1)-169 «اللَّهُمَّ اسْقِنَا غَيْثًا مُغْيِثًا، مَرِيًّا مَرِيعًا، نَافِعًا غَيْرَ ضَارٍّ،  
غَاجِلًا غَيْرَ آجِلٍ».

“Аллоохұмма-сқинаа ғойсан муғийсан марий’ан  
марийъаа, наафиъан ғойро дооррин, ъаажилан  
ғойро аажил”.

“Эй Аллох! Бизга фойдали бўлган, ўт-ўланларни  
ўстирадиган, зарар етказмайдиган ва кеч эмас,  
тезда келадиган мўл-кўл ёмғир ёғдир”.<sup>(1)</sup>

(2)-170 «اللَّهُمَّ أَغْنِنَا، اللَّهُمَّ أَغْنِنَا، اللَّهُمَّ أَغْنِنَا».

“Аллоохұмма, ағиснаа. Аллоохұмма, ағиснаа.  
Аллоохұмма, ағиснаа”.

“Эй Аллох, ёмғир ёғдир! Эй Аллох, ёмғир ёғдир!  
Эй Аллох, ёмғир ёғдир!”<sup>(2)</sup>

(3)-171 «اللَّهُمَّ اسْقِ عِبَادَكَ، وَبَهَائِكَ، وَأَنْشُرْ رَحْمَتَكَ، وَأَحْيِ  
بَدَكَ الْمَيِّتَ».

1 Абу Довуд. Албоний сахих деган.

2 Бухорий ва Муслим.

“Аллооҳуммасқи ъибаадака ва баҳаамака, ва-нишур роҳматака ва аҳий баладакал майит”.

“Эй Аллоҳ! Бандаларингни ва ҳайвонларингни сұғор! Раҳматингни соч ва ўлик шаҳрингга ҳаёт баҳш эт”.<sup>(1)</sup>

## 64 ЁМҒИР ЁҚҚАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

137

- ۱۷۲ ﴿اللَّهُمَّ صَبِّيْبَا نَافِعًا﴾.

“Аллооҳумма, сойибан наафиъа”.

“Эй Аллоҳ! (Буни) фойдали (хайрли) ёмғир қил”.<sup>(2)</sup>

## 65 ЁМҒИР ТИНГАЧ ЎҚИЛАДИГАН ДУО

- ۱۷۳ ﴿مُطِرِّنَا بِفَضْلِ اللَّهِ وَرَحْمَتِهِ﴾.

“Мутирнаа би-фазлиллаҳи ва роҳматих”.

“Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди”.<sup>(3)</sup>

1 Абу Довуд. Албоний сахиҳ деган.

2 Бухорий.

3 Бухорий.

## 66 ЁМФИРНИНГ ТҮХТАШИНИ – ОЧИҚ ҲАВОНИ СҮРАШДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

174- «اللَّهُمَّ حَوَّالِنَا وَلَا عَلَيْنَا، اللَّهُمَّ عَلَى الْأَكْامِ وَالظَّرَابِ،  
وَبُطُونِ الْأَوْدِيَةِ، وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ».

“Аллоохұмма, ҳаваалайнаа ва лаа ъалайнаа.  
Аллоохұмма, ъалал аакаами ваз-зирооби ва бутуунил  
авдияти ва манаабитиш-шажар”.

“Эй Аллоҳ! Бизнинг устимизга эмас, атрофимизга  
ёғдир. Эй Аллоҳ! Қир-адирларга, водийларнинг  
ичкарисига ва дараҳтзорларга ёғдир!”<sup>(1)</sup>

## 57 ЯНГИ ОЙ ҚҮРИНГАНИДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

175- «اللَّهُ أَكْبَرُ، اللَّهُمَّ أَهِلْهُ عَلَيْنَا بِالْأَمْنِ وَالْإِيمَانِ، وَالسَّلَامَةِ  
وَالإِسْلَامِ، وَالشَّفَقَةِ لِمَا نُحِبُّ رَبَّنَا وَتَرَضَى، رَبُّنَا وَرَبُّكَ اللَّهُ».

“Аллооху акбар, Аллоохұмма, аҳиллаху ъалайнаа  
бил-амни вал-иймаан, вас-салаамати вал-ислаам,  
ват-тавфийқи ли-маа тұхіббу роббұнаа ва тардоо,  
роббұнаа ва роббукаллох”.

1 Бухорий ва Мұслим.

“Аллоҳ буюқдир! **Эй Аллоҳ!** Бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик, ислом ва Ўзинг яхши күрадиган, рози бўладиган нарсага мұяссар этиш билан чиқар. (Бу дуони янги чиққан ойга қараб айтгани учун дуони ушбу қўшимча билан тугатади) Бизнинг ҳам, сенинг ҳам Роббинг Аллоҳдир!”<sup>(1)</sup>



## ИФТОР ВАҚТИДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

**(1)-176** «ذَهَبَ الظَّمَاءُ، وَابْتَلَتِ الْعُرُوقُ، وَتَبَتَّ الأَجْرُ إِنْ شَاءَ اللَّهُ۝».

Захабаз-зомау ва-бтллатил-ъурууку ва сабатал-ажру ин шаа **Аллоҳ**”.

“Чанқоқ кетди, томирлар хўлланди ва Инша Аллоҳ ажр собит бўлди”.<sup>(2)</sup>

**(2)-177** «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِرَحْمَتِكَ الَّتِي وَسَعَتْ كُلَّ شَيْءٍ أَنْ تَغْفِرَ لِي».

“Аллооҳумма, инний ас’алука би-роҳматикал-латий васиъат кулла шай’ин ан тағфири лий”.

**“Эй Аллоҳ!** Сендан барча нарсадан кенг

1 Термизий ва Доримий.

2 Абу Довуд.

бўлган раҳматинг билан менинг гуноҳларимни кечиришингни сўрайман”.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумонинг дуоларидан.<sup>(1)</sup>

 **ТАОМДАН АВВАЛ  
АЙТИЛАДИГАН ДУО**



140

﴿بِاسْمِ اللَّهِ﴾ (1)-178

“Бисмиллааҳи фий аввалиҳии ва аахириҳ.”

“Агар биронтангиз таом ейдиган бўлса, “Бисмиллаҳ – Аллоҳ номи билан”, деб айтсин. Агар таомдан аввал буни айтиш хотирасидан кўтарилса,

﴿بِاسْمِ اللَّهِ فِي أَوَّلِهِ وَآخِرِهِ﴾.

“Аввалида ҳам, охирида ҳам Аллоҳ номи билан (ейман)”<sup>(2)</sup>

**179-(2)** Кимни Аллоҳ таомлантиrsa, у шундай деб айтсин:

﴿اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ، وَأَطْعِنَاهُ خَيْرًا مِنْهُ﴾.

1 Ибн Можа.

2 Абу Довуд ва Термизий.

“Аллооҳумма, баарик ланаа фийҳи ва атьимнаа хойрон минҳу”.

“Эй Аллоҳ! Бизга бу таомни баракотли эт ва ундан ҳам яхшироғи билан бизни таомлантириш”.

Кимга Аллоҳ сут ичишни насиб этса:

«اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ، وَزُدْنَا مِنْهُ».

“Аллооҳумма, баарик ланаа фийҳи ва зиднаа минҳу”.

“Эй Аллоҳ! Уни бизга баракали эт ва зиёда қил”, деб айтсин”.<sup>(1)</sup>



## ТАОМДАН СҮНГ АЙТИЛАДИГАН ДУО

(1) «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا، وَرَزَقَنِي هِيَ مِنْ عَيْرِ حَوْلٍ  
مِنِّي وَلَا قُوَّةٌ». 180

“Алҳамдулилааҳил-лазий атьаманий ҳаазаа ва розаконийҳи мин ғойри ҳавлин минний ва лаа қувваҳ”.

“Мен томонимдан ҳеч қандай ҳаракат ва қувватсиз менга бу таомни едирган ва шу билан ризқлантирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”.<sup>(2)</sup>

1 Термизий.

2 Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа.

(2) «الْحَمْدُ لِلّٰهِ حَمْدًا كَثِيرًا، طَيْبًا مُبَارَّكًا فِيهِ، عَيْرَ [مَمْكُنٍ]  
وَلَا [مُوَدَّعٍ، وَلَا مُسْتَغْفِي عَنْهُ رَبَّنَا].»<sup>1</sup>

“Алҳамдулилаҳи ҳамдан касийрон тойийибан мубаарокан фийх, ғойро [макфийин ва лаа] мувааддаъин ва лаа мустағнан ъанҳу роббанаа”.

“Аллоҳга риёсиз-холис, муборак, кўпдан-кўп ҳамдлар бўлсин. Роббимиз ҳеч кимга муҳтож эмас. (Аксинча, Унинг Ўзи барча бандаларини таомлантиради ва кифоя этади). У тарк қилинmas ва Ундан беҳожат бўлинmas”.<sup>(1)</sup>



## МЕҲМОННИНГ МЕЗБОНГА КИЛАДИГАН ДУОСИ

. - «اللّٰهُمَّ بَارِكْ لَهُمْ فِيمَا رَزَقْتَهُمْ، وَاغْفِرْ لَهُمْ، وَارْحَمْهُمْ». <sup>2</sup>

“Аллоҳумма, баарик лаҳум фий маа розактаҳум, ва-ғfir лаҳум ва-рҳамҳум”.

“Эй Аллоҳ! Уларга берган ризқингни баракотли қил. Уларни(нг гуноҳларини) мағфират эт ва уларга раҳм қил”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий ва Термизий.

2 Муслим.

## 72 СУВ ИЧИРГАН ЁКИ ИЧИРИШНИ ХОҲЛАГАН КИШИГА ҚИЛИНАДИГАН ДУО

183 - اللَّهُمَّ أَطْعِمْ مَنْ أَطْعَمْنَا، وَاسْقِ مَنْ سَقَانَا.

“Аллооҳумма, атъим ман атъаманий васқи ман сақооний”.

“Эй Аллоҳ! Менга таом берганни Ўзинг таомлантири.  
Менга сув ичирганга Ўзинг сув ичир”.<sup>(1)</sup>

143

## 73 БИРОР ХОНАДОНДА ИФТОР ҚИЛИНГАНДА АЙТИЛАДИГАН ДУО

184 - افْتَرَ عِنْدَكُمُ الصَّائِمُونَ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمُ الْأَبْرَارُ،  
وَصَلَّتْ عَلَيْكُمُ الْمَلَائِكَةُ.

“Афторо ъиндакумус- соомун, ва акала тоъаамакумул-аброор, ва соллат ъалайкумул-малаиках”.

“Хонадонингизда рўзадорлар ифтор қилсин.  
Таомларингизни яхшилар есин ва фаришталар сизларни дуо қилсин”.<sup>(2)</sup>

1 Муслим

2 Абу Довуд, Ибн Можа ва Насоний.

## 74 ТАОМ КЕЛТИРИЛИБ, УН-ДАН ТАНАВУЛ ҚИЛМАГАН РҮЗАДОР ДУОСИ

185 - «إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ فَلْيَحْبُبْ، فَإِنْ كَانَ صَائِمًا فَلْيُصَلِّ، وَإِنْ  
كَانَ مُفْطِرًا فَلْيُطْعَمْ»، وَمَعْنَى: «فَلْيُصَلِّ»: أَيْ: فَلْيَدْعُ.

“Сизларнинг бирингиз бир жойга таклиф этилса, борсин. Агар рўзадор бўлса, дуо қилсин. Рўзадор бўлмаса, таомдан есин”.<sup>(1)</sup>

## 75 БИРОВ РҮЗАДОРНИ ҲАҚОРАТ ҚИЛСА, У НИМА ДЕБ ЖАВОБ ҚАЙТАРАДИ?

186 - «إِنِّي صَائِمٌ، إِنِّي صَائِمٌ».

“Инний сооим, Инний сооим”.

“Мен рўзадорман! Мен рўзадорман!”<sup>(2)</sup>

## 76 ЯНГИ ЧИҚҚАН МЕВАНИ КҮРГАНДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО

187 - «اللَّهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي ثَمَرَنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي مَدِينَتَنَا، وَبَارِكْ لَنَا

1 Муслим.

2 Бухорий ва. Муслим.

في صَاعِنَا، وَبَارِكْ لَنَا في مُدْنَا».

“Аллооҳумма, баарик ланаа фий самаринаа, ва баарик ланаа фий мадийнатинаа ва баарик ланаа фий соъинаа, ва баарик ланаа фий муддинаа”.

“Эй Аллоҳ! Бизнинг меваларимизга барака ато эт. Шахримизга барака ато эт. Тош-тарозимизга барака ато эт. (Муд, соъ – сифим ўлчов бирликлари)”.<sup>(1)</sup>

 **АКСА УРИЛГАНДА  
АЙТИЛАДИГАН ДУО**

**188-** Агар сизларнинг бирингиз акса урса,:

«الْحَمْدُ لِلَّهِ».

“Алҳамдуиллаах”.

“Аллоҳга ҳамд бўлсин”

деб айтсин. Унга эса биродари ёки ҳамроҳи:

«يَرْحَمَكَ اللَّهُ»

“Ярҳамукааллоох”.

Аллоҳ сизга раҳм этсин”, деб жавоб айтсин. Агар

1 Муслім

биродари: “Аллоҳ сизга раҳм этсин”, деб айтса, (акса урган киши)

«يَهْدِيْكُمُ اللَّهُ، وَيُصْلِحُ بَالَّكُمْ».

“Яхдийкумulloоху ва юслиху баалакум”.

“Аллоҳ сизларни ҳидоят этсин ва қалбларингизни ўнгласин”, деб жавоб қайтарсın”.<sup>(1)</sup>

146

## 78 АГАР КОФИР АКСА УРИБ, “АЛҲАМДУЛИЛЛАХ”, ДЕСА, НИМА ДЕБ ЖАВОБ АЙТИЛАДИ?

«يَهْدِيْكُمُ اللَّهُ، وَيُصْلِحُ بَالَّكُمْ». - 189

“Яхдийкумulloоху ва юслиху баалакум”.

“Аллоҳ сизларни ҳидоят этсин ва қалбларингизни ўнгласин”.<sup>(2)</sup>

## 79 ҮЙЛАНГАН КИШИГА АЙТИЛАДИГАН ДУО

«بَارَكَ اللَّهُ لَكَ، وَبَارَكَ عَلَيْكَ، وَجَمَعَ بَيْنَكُمَا فِي خَيْرٍ». - 190

1 Бухорий.

2 Термизий, Аҳмад ва Абу Довуд.

“Баарокаллооҳу лака ва баарока ъалайка ва жамаъа байнакумаа фий хойр”.

“Аллоҳ сизга бу никоҳни баракотли этсин. Аллоҳ устингизга баракотлар ёғдирсин ва ўртангизни яхшилиқда жамласин”.<sup>(1)</sup>

## 80 УЙЛАНГАН КИШИ ВА ОТ-УЛОВ СОТИБ ОЛГАН КИШИ ЎҚИЙДИГАН ДУО

147

“Агар биронтангиз уйланса, ёки хизматкор (кул/чўри) сотиб олса, қуидагича дуо қилсин:

191 - اللَّهُمَّ إِنِّي أَسأْلُكَ خَيْرَهَا، وَخَيْرَ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ، وَأَعُوذُ  
بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وَشَرِّ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ.

“Аллоҳумма, инний ас’алука хойроҳа ва хойро мaa жабалтаҳа ъалайҳ, ва аъуузу бика мин шарриҳаа ва шарри мaa жабалтаҳа ъалайҳ”.

“Эй Аллоҳ! Мен Сендан унинг ва унга табиат қилиб (тұғма тарзда) берган нарсангнинг яхшилигини сўрайман. Унинг ва унга (туғма) табиат қилиб берган нарсангнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман”. Агар тую сотиб олган бўлса, унинг ўркачи учидан ушлаб, юқоридаги дуони айтсин”.<sup>(2)</sup>

1 Абу Довуд, Термизий, Насойи ва Ибн Можа.

2 Абу Довуд ва Ибн Можа.



## АЁЛИГА ЯҚИНЛИК ҚИЛИШ ОЛДИДАН АЙТИЛАДИГАН ДУО

192- «بِاسْمِ اللَّهِ، الْلَّهُمَّ جَنِبْنَا الشَّيْطَانَ، وَجَنِبْ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا». *(1)*

“Бисмиллаах, Аллоохумма, жаннибнаш-шайтоона ва жаннибиш-шайтоона мaa розақтанаа”.

“Бисмиллаҳ (Аллоҳ номи билан). Эй Аллоҳ! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг(фарзанд)дан шайтонни йироқ қил”.<sup>(1)</sup>



## ҒАЗАБЛАНГАНДА ҮҚИЛАДИГАН ДУО

193- «أَعُوذُ بِاللَّهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ». *(2)*

“Аъузу биллааҳи минаш- шайтоонир рожийм”.

“Аъузу биллааҳи минаш-шайтоонир рожийм” – “Аллоҳдан тошбүрон қилинган шайтондан паноҳ беришини сўрайман”.<sup>(2)</sup>

1 Бухорий ва Муслим.

2 Бухорий ва Муслим.

**83 БИРОН-БИР МУСИБАТГА  
УЧРАГАН КИШИНИ КЎРГАНДА  
АЙТИЛАДИГАН ДУО**

**194** - «الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي عَافَنِي مِمَّا ابْتَلَاكَ بِهِ، وَفَضَّلَنِي عَلَىٰ كَثِيرٍ  
مِمَّنْ حَلَقَ تَفْضِيلًا».

“Алҳамдуиллааҳил-лазий ъаафааний миммабталаака биҳии ва фаддоланий ъалаа касийрин мимман холақо тафдийлаа”.

“Сенга етган мусибатдан мени саломат қилган ва яратганларининг кўпидан мени афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин”.<sup>(1)</sup>



**МАЖЛИСДА НИМА ДЕЙИЛАДИ?**

**195-** Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، وَتُبْ عَلَيَّ؛ إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الْعَقُورُ».

“Роббигфир лий ва туб ъалайя, иннака антат тавваабул-гофуур”.

“Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир мажлисда ўрниларидан қўзғалмасларидан олдин

1 Термизий.

юз маротаба “Эй Роббим, мени мағфират қил, тавбаларимни қабул эт. Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчи ва мағфиратли Зотдирсан”, дейишлари саналар (шунга гувоҳ бўлинар) эди”<sup>(1)</sup>.



## МАЖЛИСНИНГ КАФФОРАТИ



-196 - سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوْبُ إِلَيْكَ.

“Субҳаанак-Аллоохумма ва би-ҳамдика ашҳаду аллаа илааха илаа ант, астагфирука ва атуубу илайк”.

“Эй Аллоҳ! Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳеч бир ҳақ маъбуд йўқ. Сендан мағфират сўрайман ва Сенга тавба қиласман”<sup>(2)</sup>.



## “АЛЛОҲ СИЗНИ МАҒФИРАТ ЭТСИН”, ДЕГАН КИШИГА БЕРИЛАДИГАН ЖАВОБ

. وَلَكَ -197

1 Термизий ва Ибн Можа.

2 Абу Довуд, Термизий, Насойи ви Ибн Можа. Оиша онамиз айтади: “Росууллоҳ соглашоҳу алайхи ви саллам бир мажлисда ўтирасалар, Куръон тиловат килсалар, ёки намоз ўқисалар, албатта, мана шу калималар билан якунлар эдилар”. [Насойи ви Аҳмад.

“Ва лак”.

“Сизни ҳам”.<sup>(1)</sup>



## СИЗГА ЯХШИЛИК ҚИЛГАН КИШИГА АЙТАДИГАН ДУОЙИНГИЗ

198 - «جَرَأَكَ اللَّهُ خَيْرًا».

151

“Жазаакалооху хойроо”.

“Аллоҳ сизни яхшиликлар билан мукофотласин”.<sup>(2)</sup>



## ДАЖЖОЛДАН САҚЛАНАДИГАН ДУО

199- “Каҳф” сурасининг аввалги ўн оятини ёд олган киши Дажжолдан ҳимояланган бўлади. (Яна бир ривоятда: “Каҳф” сурасининг охиридан”, дейилган).<sup>(3)</sup>

Ҳар намозда саловатдан (“Аллооҳумма баарик ‘алаа Мұҳаммад...’) сўнг Аллоҳ таолодан Дажжол фитнасидан паноҳ беришини сўраш билан ҳам унинг фитнасидан ҳимояланилади. (Ушбу китобдаги 24-мавзуу, 1-2-рақамли ҳадисларни ўқинг).

1 Насойи ва Аҳмад.

2 Термизий.

3 Муслим.

 “МЕН СИЗНИ АЛЛОХ ЙҮЛИДА  
(АЛЛОХ УЧУН) ЯХШИ КҮРАМАН”,  
